

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

КУШИЕВА НОДИРА ҲАБИБЖОНОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА
КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ**

Тошкент – 2020 йил

Монография Жаҳон банкининг Академик Инновацион фондига, Олий таълим тизимини модернизация қилиш бўйича ажратилган грант бўйича “Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда кластерли ёндашув: Гулистон давлат университети ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида “Ўқув-илмий комплекс” ташкил этиш” мавзусидаги лойиха асосида тайёрланди

Н.Ҳ.Кушиева

Инглиз тилини ўқитишида кластерли ёндашув

Тақризчилар:

Б.Рахимов, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.Тожиев, филология фанлари номзоди, доцент

Г.Сабирова, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ушбу монографияда қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишида кластерли ёндашув хусусиятларини ривожлантириш бўйича тадқиқот натижалари акс этган.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили бўйича монографияда баён қилинган маълумотлар инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитиш илк маротаба яратилган модулли тизим бўлиб, бу нофилологик таълим йўналиши талабаларини тил ўрганиш ёки уларга тил ўргатиш бўйича кўникмаларини ҳосил қилишда илмий асосланган янги тизимни яратилишида асос бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, кластерли ёндашув ҳар бир таълим йўналишида инглиз тилини ўқитишнинг илмий асосланган методларини яратиш имконини беради.

Мазкур монографиядан чет тили ўқитувчилари, талабалар, тадқиқотчилар ҳамда тегишли соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин

КИРИШ

Жаҳонда турли мамлакатлар ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар, маданий-маърифий алоқалар, савдо-сотиқ ишлари кўлами инглиз тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Жумладан, АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Корея, Англия, Германия каби ривожланган давлатларда турли соҳа мутахассисларининг хорижий тилларда ўз касбий соҳаларида эркин мулоқот юрита олишиларига алоҳида эътибор берилган. Европада хорижий тилларни ўқитиши касбий компетенциялар орқали ривожлантириш ва ўқув дастурлари билан уйғунликни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра таълим йўналишларига мос ҳолда чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитиши модернизациялаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёдаги таникли Массачусетс, Гарвард, Оксфорд, Гётtingен, Дехли университетларида хорижий тилларни кластерли тизим асосида ўқитиши ва уни амалиётга тадбиқ этиш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан касбий ҳамда коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш ва таълим тизимини модернизациялаштириш, АҚШнинг Калифорния штатидаги университетларда, Буюк Британиянинг тиббиёт таълим тизимида кластерли ёндашув асосида ўқитиши, ҳамкорлик тадқиқотларини олиб бориш, хорижий тажрибаларни қўллаш, инновацион технологиялардан фойдаланиш заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимизда бугунги қунда иқтисодиётни инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда хорижий технологияларни ўрганиш, тажрибалар алмашиш ҳамда хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш масалалари алоҳида аҳамиятга моликдир. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиши методологиясини такомиллаштириш» [4] каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда чет тилини шахсга йўналтирилган, коммуникатив

компетенцияни эгаллашга мўлжалланган кластерли ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва чет тилларни пухта ўзлаштирган турли соҳа мутахассисларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий тилни ўрганиш бўйича алоҳида эътибор ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Шунга кўра мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш бўйича Л.Т.Ахмедова, М.Д.Джусупов, Ж.Ж.Жалолов, Т.К.Сатторов, Г.Х.Бакиева, Д.У.Хашимова, Х.Д.Палуанова, Г.Н.Ирмуҳамедова, С.А.Мисиров, И.М.Тўхтасинов каби олимлар ўзларининг хорижий тилларни ўқитиш бўйича методлари ва ишланмаларини таклиф этишган [78; 89; 60; 121; 80; 127; 111; 95; 124; 107].

Мустақил ҳамдўстлик мамалакатларида В.Т.Волов, Е.И.Соколова, Л.И. Галимова, Ю.О. Тигина, А.В.Смирнов, Т.Ю.Красикова, Н.В.Екимова олий таълим тизимида хорижий тилни юқори даражада ўқитишнинг самарали моделини ишлаб чиқиш учун, кластер назариясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этишган [32; 303-б., 46., 27; 125-б., 49, 47; 102-б., 38, 32; 74-77-б.].

Хорижий тилни ўқитишда тизимли ёндашувлар ҳамда кластерли тизимга ёндашган ҳолда Англияда G.Dudeney, Америкада M.Porter, Канадада E.Haugen, Австрияды D.Tatzl, Францияда R.Ljosland, Хитойда X.Liang ва S.W.Smith олиб борган тадқиқотлари натижаларига кўра ўзларининг метод ва технологияларини таклиф этишган [58; 194-б., 65; 30-б., 13, 17; 252-270-б., 16; 991-1004-б., 15; 92-102.].

Ушбу монографияда қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятларини ривожлантириш бўйича тадқиқот натижалари акс этган.

Инглиз тилини ўқитишини ОТМда кластерли ёндашувлар асосида ташкил этиш, ишлаб чиқариш корхонаси ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг малакасини ошириб боришида, янги технологияларни татбиқ этиш асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги генетик боғлиқликни шаклланишида асос бўлувчи марказ бўлиши мумкин.

Тил ўргатишни кластерли ёндашувларга асосланган самарали усуллари асосида тайёрланган мутахассис, ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот муассасалари учун мақсадли тарзда тайёрланади. Шунинг учун ОТМдаги таълим жараёнини бевосита ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасалар фаолияти билан боғланган тарзда ташкил этиш ва бунда тил ўрганиш курсларини ҳам айнан таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган ҳолда ташкил этишда кластерли тизимдан фойдаланиш мумкин.

1 БОБ

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

§ 1.1. Кластерли ёндашувларнинг стратегик моҳияти

Кластерли ёндашувнинг ривожланиши юз йилдан ортиқ тарихга эга. Бунда ишлаб чиқариш корхоналари бозор тизимида ўзларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бирлашишга ҳаракат қилишади. Ушбу бирлашиш ёки биргаликда ҳаракат қилиш жараёни кластер тушунчаси билан ифодаланади. “Cluster” инглизча *cluster*, *clustre*, *clyster* сўзидан олинган бўлиб, бош, боғлам, туп, умумий уй ва унинг атрофига мос ҳолда қурилган бинолар деган маъноларни англатади [62]. Кластерлаштириш ўтган асрнинг биринчи ярмида оммалашган. Шундан бошлаб, ушбу соҳага нафақат давлат бошқариш, балки илмий-тадқиқот соҳаси билан шуғулланувчиларнинг ҳам қизиқиши орта бошлади. Шунингдек, таълим жараёнини кластерлаштириш бўйича фиклар пайдо бўла бошлайди [11, 38, 18; 32; 29; 106; 108].

Биринчи марта кластер терминини фанга Майкл Юджин Портер ўзининг 1990 йилда чоп этилган “*Competitive Advantage of Nations*” (New York: Free Press) китоби орқали киритган. Майкл Юджин Портернинг классик дунёқарашларига кўра “кластер – бу географик жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлиқ маҳсус таъминотчи, хизмат кўсатувчи компаниялар, бир хил соҳада фаолият кўрсатувчи фирмалар, шунингдек, ўзаро рақобат асосида биргаликда ва бир йўналишда фаолият кўрсатувчи ташкилотлардир” [116;]. Унинг фикрига кўра, ривожланган ва ривожланаётган соҳа ёки тармоқлар айнан кластерни татбиқ этиш ёки унинг баъзи бир элементларидан фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришган. Жами 9 та мамлакатда 100 дан ортиқ тармоқларни таҳлил қилган олим шундай хулосага келадики, юқори рақобатбардошликка эга бўлган трансмиллий компанияларнинг

ривожланиши бир нечта давлатларга бўлиниб кетган ташкилотларнинг мустақил ҳаракат қилиши орқали эмас, балки тизимли равища битта давлат ёки битта минтақага концентрациялашуви орқали эришган. Тизимли ёндашув жиҳатига қўра кластер – бу аниқ бир мақсад асосида фаолият кўрсатаётган, бир-бiri билан ўзаро функционал боғлиқ ва ўзаро масъул, ягона тузилма асосида бирлашган ҳар хил тармоқлар субъектларининг уюшмасидир [41]. М.Портер компанияларнинг кластер ичидағи рақобатбардошлиги кўп ҳолларда унинг иқтисодий рақобатбардошлилик жиҳатлари билан аниқланишини кўрсатиб берди.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, М.Портер кластер тўғрисидаги тушунчаларни ички ва ташқи бозор тизимида ҳамкорлик қилаётган фирма ва компаниялар фаолияти асосида баён қилган. Лекин унинг тадқиқот натижалари интернет ҳали ривожланмаган даврда чоп этилган эди. Шунинг учун М.Портер маълумот берган кластер маълум бир жойда жойлашган фирма ва ташкилотларнинг ҳамкорлиги асосида баён қилинган. Бугунги кунда эса масофавий яқинлик кластер компонентлари орасидаги ўзаро алоқа имониятини оширмоқда. Яна шуни ҳам қайд этиш мақсадга мувофиқки, кластер фаолияти масофага боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни резеденция кластер зонасидан узоқ бўлган ҳолдаги тушунчалар ҳам эътироф этилмоқда. Бундай ҳолатларда кластер тармоқли алоқа тизимида фаолият кўрсатиши қайд этилади [65].

Бундан кўринадики, юқори рақобатлашув кўрсаткичларига эга бўлган компания ўз ютуғи орқали атрофдаги иқтисодий субъектларга: истэъмолчилар, хом ашё етказиб берувчилар ва рақобатчиларга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Охир-оқибатда атрофдагиларнинг кучайиши компаниянинг рақобатбардошлигини янада кўтаришига сабаб бўлади. Ушбу ўзаро манфаатдорлик туфайли кластерларнинг шаклланиши юзага келади. М.Портернинг мулоҳазаларига қўра, “Кластер” бу – бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта корхоналарнинг тўпламидан иборат бўлган, яъни асосий воситаларни етказиб берувчилар, маҳсус хизмат кўрсатувчи

инфратузилмалар, маҳсулот ёки хом ашё етказиб берувчилар, илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва бошқа барча бир-бирининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиласиган ва ўз навбатида, кластернинг ҳам ривожланишини таъминлайдиган ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатувчиларнинг жамланмасидир. Портернинг таъкидлашича, қайси давлат ёки минтақада кластерлар ривожланган бўлса, ўша ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлиги ва компанияларнинг рақобатлашуви ҳам юқори бўлади [116].

Кластерлар вертикал интеграцияланган тузилмалардан, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни ташкил этишга инновацион ёндашув, ихтисосликнинг қайишқоқлиги, шунингдек, алоҳида корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқариш занжири доирасида мослаштирилиши билан фарқланади [27].

Қуйида келтирилган жадвалда кластернинг мазмун-моҳиятини очиб берган ва шу соҳада комплекс ишлар ва илмий тадқиқотларни олиб борган хорижий олимларнинг таърифлари келтирилган. Кластернинг амал қилиш самарадорлиги минтақавий ривожланиш натижаларига кўра белгиланса, вертикал бирлаштирилган тузилмаларнинг хўжалик фаолияти самарадорлиги эса, тармоқли кўрсаткичлар бўйича баҳоланади. Аммо тармоқли ёндашувдан фарқли ўлароқ, кластер турли иқтисодий фаолият кўринишларига ихтисослаштирилган инфратузилмавий ташкилотлар ва стратегик тадбиркорлик тузилмалари гурухи сифатида намоён бўлади [27].

Олиб борилаётган тадқиқотлар самараси ўлароқ, “кластер”, унинг имкониятлари, ривожланишни таъминлашда тутган ўрни бўйича талай ишлар амалга оширилган. “Кластер”ни назарий-услубий жиҳатдан таърифлаш, унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган хорижий олимларнинг талқинларига эътибор қаратадиган бўлсак, улар томонидан келтириладиган фикрларнинг ҳаммаси самарали иқтисодий муҳитни шакллантириши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурсларни кам микдорда ишлатилиши

билин характерланади. Кластернинг мазмун-моҳиятини очиб берган ва шу соҳада комплекс ишларни ҳамда илмий-тадқиқот олиб борган хорижий олимларнинг таърифлари 1.1-жадвалда келтирилган (1.1-жадвалга қаранг):

1.1-жадвал.

“Кластер” тушунчасига берилган таърифлар

Олимлар, муаллифлар	“Кластер” тушунчасига берилган таърифлар
Schmitz [67]	Кластер – битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар груҳи
Swan and Prevezer [69]	Кластер – битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил киладиган фирмалар груҳи
Porter [64]	Кластер – маҳсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар груҳи
Elsner [12]	Кластер – горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган фирмалар груҳи
Steiner and Hartman [68]	Кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бирини тўлдирувчи фирмалар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари груҳи
Bergman and Feser [54]	Кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари груҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиласи
Haag [51]	Кластер – ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустрлашган мажмуа
Andersson [53]	Кластерлаштириш бу умумий олганда, битта географик ҳудудда концентрациялашган ва маълум бир аниқ вазифани ечишга қаратилган фирмалар груҳи бўлиб, улар бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, жамоавий рақобатлашувни мустаҳкамлаш мақсадида ишчи кучларининг ўзаро бирлашуви жараёнидир

Й.Гусевнинг фикрига кўра, “кластерлар ўз-ўзини мустақил ташкил этиш усули билан тажрибада синалган ва назарий жиҳатдан қайта ишланган ҳисобланади. Кластерли мафкура самарасиз тармоқли ёндашувдан ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашган шаклларига ўтишнинг кучли воситасига айланиши мумкин” [28].

Ижтимоий ривожланишнинг информацион иқтисодиётга ўтиш босқичида товарлар эмас (уларнинг сифати қўпинча бир хил бўлади), балки корхоналар рақобатлашади, оқибатда асосий рақобат устунлиги товарнинг хусусияти билан эмас, фирманинг ишлаб чиқарган товарларини сотиш, харажатларини қисқартириш имкониятлари ва ваколатлари билан белгиланади. Ҳудудни ривожлантириш учун кластерли тузилмаларни шакллантириш - қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, ваколатларни тақсимлаш, тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро таъсирлашиш, ахборот айирбошлишни жадаллаштириш ва янгиликларни тарғиб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш, ҳудуднинг инновацион жозибадорлигини жадаллаштириш ҳамда ҳудудий иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича янги имкониятларни тақдим этади [30].

Тадбиркорлик тузилмалари учун кластерлар – бу йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этиш, қўшимча даромад олиш, янги бозорларга чиқиш, инновацияларни жорий этиш бўйича харажатларни қисқартириш, инновацион фаолиятни инфратузилмавий таъминлаш, ходимлар малакасини ошириш, кичик корхоналарни инновацион фаолиятга жалб этиш ва пировардида рақобатбардошликини ошириш учун имконият ҳисобланади. Бунда, ҳар бир кластер иштирокчиси – корхона ўз мақсадини кўзлаган ҳолда нафақат ўз хўжалик фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади, балки тадбиркорлик инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашгани ҳолда, ҳудудда фаолият юритаётган турли хилдаги бошқа

корхоналарнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг ўсишига хизмат қиласи [39].

Худудий кластерда иштирок этиш фан ва таълим муассасалари учун ҳам жозибадор бўлиши мумкин, чунки бу илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажми ва сифатини ошириш, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда ташки лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар малакасини оширишнинг янги имкониятларидан ҳисобланади [47].

Худудий кластерларни шакллантиришнинг хориж тажрибаси таҳлилига кўра, иккита асосий модел мавжуд бўлиб, унинг доирасида “либерал” ва “дирижист” кластер сиёсати амалга оширилади. “Либерал” сиёсатнинг асосий тамоилии шундаки, бунда бозор муносабатлари ҳукмон кучга эга бўлади, давлатнинг роли эса, фақатгина табиий ривожланишдаги тўсиқларни бартараф этишдан иборат бўлади. “Дирижист” кластер сиёсатида давлат иқтисодий кластерлаштиришнинг минтақавий ва тармоқли устунликларини танлаши; кластернинг инфратузилмавий таъминотини ривожлантириши; кластер ташкил қилинаётган худудни танлаш жараёнида фаол иштирок этиши мумкин[43].

Замонавий иқтисодий адабиётларда худудий кластерларни тадқиқ этиш оммабоп мавзуга айланган. Олимлар уларни турли хилдаги ривожланиш жиҳатларини таҳлил қилишда давом этмоқдалар. Бугунги кунда улар томонидан худуднинг рақобат устунликларини шакллантириш, минтақавий ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда корпоратив секторнинг ўзаро таъсирини қулайлаштириш, минтақавий таълим тизимида таълим сифати ва инновацион фаолликни оширишда кластерларнинг ўрнига бағишлиланган тадқиқотлар кўпроқ учрамоқда [129].

Ҳозирда саноат кластерларининг барча таркибий бўғинлари бўйича ишчи кучи қиймати тақсимотини тадқиқ этиш, худудий тармоқларда

фирмалараро юқори технологик кластерларнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, ҳудудий кластерларнинг инфратузилмавий таъминот тизимини шакллантириш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш долзарблик касб этади.

Бошқарув кластерли ёндашувни фақат бир қатор инфратузилмавий ва ноинфратузилмавий шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Булар:

1. Инфратузилмавий шарт-шароитлар:

кластерларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини кластер иштирокчиларининг салоҳияти ва тадбиркорлик тизимини ривожлантириш хусусиятлари, ҳудуднинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда расмийлаштириш. Кластерларни ривожлантиришнинг устуворликлари ва вазифаларини белгилаб олиш (ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегиясига кластерларни ривожлантириш дастурларини киритиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ажратиши);

илмий-таълим асоси, малакали ишчи кучи, давлатнинг ИТТКИ (Илмий техника тараққиёти ва конструкторлик ишлари)дан тадбиркорлик тузилмаларининг фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, таълим секторига эга бўлган йирик ташкилотлардан (корпорациялар) бизнеснинг манфаатдорлиги;

кластер иштирокчилари ўртасида коммуникацияни расмий ва норасмий ахборот, билим ва касбий тажриба алмашиш асоси сифатида ривожлантириш. Кластерларни умумий бошқариш тамойиллари манфаатдор томонлардан ҳамкорликдаги ҳаракатланиш учун ишонч ва ошкораликни талаб этади. Кластерли ёндашувдан фойдаланиш бизнес ҳаракатларни узоқ вақт режалаштириш ва стратегик башоратлашни кўзда тутади;

кластерли тузилмаларни ривожлантириш воситаси сифатида давлат буюртмалари ҳамда давлат хусусий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик субъектларига тажриба алмашиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берувчи худудий кластерларни шакллантиришда ижтимоий бирлашмаларнинг иштироки.

2. Ноинфратузилмавий шарт-шароитлар:

худудларда миллий ва жаҳон бозорларининг жўшқин ривожланаётган сегментларида амал қилаётган худудий рақобат устунликларидан фойдаланувчи горизонтал ва вертикал бирлаштирилган тадбиркорлик тузилмаларининг мавжудлиги;

замонавий технологиялардан фойдаланувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, бир ёки бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиши;

бизнес тузилмалари вакилларининг кластерда иштирок этиш заруратини англаб этишлари [23].

Худудий кластерлар доирасида тадбиркорлик фаолиятини инфратузилмавий таъминлашнинг устувор жиҳатларидан келиб чиқиб, уларнинг қўйидаги турларини таклиф этиш мумкин [129]:

инновацион жиҳатдан йўналтирилган – фан ва таълим муассасалари иштирокида худудий иқтисодиётнинг ўхшаш секторлари ичida шаклланади;

вертикал бирлашган (интеграцияланган) – ишлаб чиқариш жараёнининг ёндаш босқичлари кластер ўқини шакллантирувчи, иқтисодиётнинг муайян секторида (тармоғида) вертикал ишлаб чиқариш занжири шаклланади;

конгломерат (тасодифий) – минтақанинг иқтисодиёт секторлари ва иқтисодий фаолият турларининг юқори асосланган йигиндиси шаклланади.

Бошқарувга кластерли ёндашувни татбиқ этишга оид хориж ва маҳаллий тажриба, назария ва услубиятни ўрганиш асносида кластерни татбиқ этиш тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятларига мос келувчи инфратузилмавий таъминот мавжуд бўлганда гина самарали ҳисобланади, деган хуносага келиш имконини беради.

Аниқланган ва олиб борилган изланишларга кўра, жаҳонда инновацион йўналтирилган кластернинг тараққий этиши жараёнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг қуидаги босқичлари ва институтлари фаолият юритмоқда:

1-босқич. Кластернинг доимий иштирокчиларини аниқлаш ва иқтисодий кластерлаштиришнинг ҳудудий стратегияларини ишлаб чиқиш – кластерли ривожлантириш марказлари.

2-босқич. Кластерларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш – бизнес инкубаторлар, кафолат фондлари, жамоавий фойдаланиш марказлари, технологиялар трансфери марказлари.

3-босқич. Кластерларни ривожлантиришнинг стратегик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш – технопарклар ва/ёки технополислар.

4-босқич. Кластерларнинг мустақил тартибга солган ҳолда ривожлантириш – алоҳида иқтисодий ҳудудлар [19].

Инновацион фаолиятга йўналтирилган кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришда тадбиркорлик тузилмалари, фан ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни фаоллаштириш асосий аҳамиятга эга бўлади, бу эса биринчи босқичда ташкилотлар – кластерларнинг доимий иштирокчиларини бошқариш тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Шунинг учун стратегик ва инновацион менежмент, кластер корхоналарда янгича бошқарув усуллари ва механизмларига оид энг яхши амалиёт намуналарини аниқлаш ва уларни самарали тарғиб этишга кўмаклашиш бўйича мунтазам ишларни олиб боришига ихтисослашган консалтинг инфратузилмавий хизматларига эҳтиёж сезилади. Бунда мустақил йўналиш сифатида ҳудудда иқтисодий кластерлаштириш салоҳияти ва эҳтимолий йўналишларни баҳолаш имконини берувчи жамоавий маркетинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир [25].

Маълумки, ушбу соҳанинг тўлақонли ривожланишида маҳаллий ҳокимииятлар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари кластерларни

ривожлантириш ташкилотларини шакллантиришнинг ташаббускорлари сифатида қатнашишлари, шунингдек, кластерларни ташкилий ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишилари ва уларни кўллаб-куватлашлари лозим.

Худудда вертикал бирлашган кластерни шакллантириш якуний маҳсулотни яратишга кўмаклашувчи ишлаб чиқариш, молиявий-иктисодий, логистик ва бошқа алоқаларнинг мукаммал занжири мавжуд бўлишини кўзда тутади. Олимларнинг фикрларига кўра, ушбу кластернинг инфратузилмавий таъминоти ишлаб чиқариш занжири доирасида минтақада турли-туман ишлаб чиқаришларнинг ўзаро таъсирлашуви самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаси институтларига боғлиқдир.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, худудда вертикал бирлаштирилган кластернинг таркибида, унинг ривожланиш босқичига боғлиқ ҳолда, бозор инфратузилмасининг қуидаги институтларини яратиш тизимини фаоллаштириш лозим:

1-босқич. Кластернинг доимий иштирокчиларини аниқлаш ва иктисодий кластерлаштиришнинг минтақавий стратегияларини ишлаб чиқиш – савдо-саноат палатаси.

2-босқич. Кластерларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш – давлат харидларини автоматлаштириш тизимлари.

3-босқич. Кластерларни ривожлантиришнинг стратегик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш – логистик марказлар, онлайн майдонлари.

4-босқич. Кластерларни ўз-ўзини тартибга солиб ривожлантириш – ахборот-маркетинг марказлари [25].

Ўрта муддатли истиқболда вертикал бирлаштирилган кластерларни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишини мувофиқлаштириш ва рақобат тамойилларида такрор ишлаб чиқариш жараёнида тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро таъсир кўрсатиш механизмини қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунга “пастдан” кластерли ташаббусни амалга

оширишга қаратилған кластер сиёсати күмаклашади. Бошланғич босқичда кластерлар ва уларнинг иштирокчилари ўз-ўзларини ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда бир-бирларига муҳтож ҳисобланади. Савдо-саноат палатаси ушбу йўналишда ёрдам кўрсатувчи институт ҳисобланади. Вертикал бирлаштирилған кластер потенциал разряддан амал қилувчи тоифага ўтиши учун худудда маълум инфратузилмавий шароитлар, жумладан, тегишли бозорларга кластер корхоналарининг кириши, хом ашё, ходимлар ва логистик таъминотдан фойдаланиш имкониятлари яратилиши лозим [14].

Минтақанинг етакчи корхоналари устувор ўринга эга бўлганда, кластернинг конгломерат тури шаклланади. Худудий хўжаликнинг самарадорлигини оширишнинг асоси сифатида кластер ҳосил қилувчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш учун институционал шароитларни яратиш, ушбу сектор ёки худудда иқтисодий фаолият турини ривожлантиришга кўмаклашувчи институционал инфратузилмани шакллантириш инфратузилмавий таъминотнинг устувор жиҳатига айланди.

Конгломерат кластер инфратузилмасининг марказий кичик тизими институционал инфратузилма ҳисобланади, унинг таркибида кластернинг ривожланиш босқичларида турли институтларнинг аҳамияти янада юқори бўлади:

1-босқич. Кластернинг доимий иштирокчиларини аниқлаш ва иқтисодий кластерлаштиришнинг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқиш.

2-босқич. Кластерни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3-босқич. Кластерларни ривожлантиришнинг стратегик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4-босқич. Кластерни мустақил тартибга солиб, ривожлантириш.

Конгломератли кластер доирасида алоқаларнинг юқори самарадорлиги тадбиркорлар уюшмалари ва кенгашлари, жамоатчилик ташкилотлари,

палаталар ва ҳ.к. каби тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро таъсирлашувини мувофиқлаштирувчи ва қўллаб-қувватловчи ташкилотларга боғлиқ [57].

Кластер иштирокчиларининг ички боғлиқлиги доимий олди-сотди битимлари, ходимларнинг ҳаракатчанлиги, ахборот алмашиш ва ҳ.к.лар орқали амалга оширилади. Конгломерат кластер учун хос бўлган ўзаро таъсирлашиш тури кўпинча давлат хусусий ҳамкорлик асосида амалга оширилувчи қўшма лойиҳада иштирок этиш ҳисобланади [14]. Шу тарзда, кластерлар иқтисодий тизимни мустақил ташкил этишнинг янги турларини намоён этади, кластер сиёсати эса ҳудудий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, уни амалга оширишнинг замирида лойиҳавий бошқарув ёндашуви ётади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, ҳудудларда кластерларни ривожлантириш омиллари сифатида таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси тизимида хорижий тилни, жумладан, инглиз тилини ҳар бир йўналишга мос ҳолда ўқитиш мақсадга мувофиқ. Бунда юқорида қайд этилганидек, кластерли ёндашув сифатида ишлаб чиқариш, ташкилий бошқарув, молиявий, сиёсий ва иқтисодий омиллар ҳисобланади. Ушбу омилларни уйғунликда қараш, уларни ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш ҳудудларда кластерлаштириш тизимининг самарали амалга оширилишини таъминлайди. Услубий жиҳатдан ҳам талқин этганда, ҳудудларда мавжуд бўлган ижтимоий-иктисодий вазият ва уларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, кластерлаштиришни тўғри ва самарали амалга ошириш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ривожланишини таъмин этиши ва яратилаётган товар ва хизматларнинг юқори сифатда ишлаб чиқарилишини пировардида эса, уларнинг рақобатдошлигини ошишига хизмат қиласи.

§ 1.2. Олий таълим тизимида чет тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитишнинг хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили

Таълим жараёнида кластер тушунчасининг қўлланилиши ўтган асрнинг 90 йиллар бошида кириб келган [46]. Бу даврда кластерли ёндашувлар ҳақида

дастлабки маълумотлар таълим жараёнида инглиз тилида 90 йилларнинг ўрталарида рус тилида баён қилинган манбаларда пайдо бўла бошлади. Ўзбек тилида эса таълим жараёнидаги кластерли ёндашув тўғрисидаги тушунчалар бугунги кунда пайдо бўла бошлади. 2018 йил май ойида таълим жараёнида кластерли ёндашувлар тўғрисида интеренет маълумотлари бўйича инглиз тилидаги манбалар (innovation educational cluster) 11956000, рус тилидаги манбалар (инновационный образовательный кластер) 356000 та, ўзбек тилидаги манбалар (инновацион таълим кластерлари) эса 5 тани ташкил этди. Худди шу сингари таълим кластерлари инглиз тилида (educational cluster) 41000000, рус тилида (образовательный кластер) 350000та, ўзбек тилида эса 17 тани ташкил этди.

Манбалар асосида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдик, таълимда кластерли ёндашувлар хорижий мамлакатлар таълим тизимида амалий жиҳатдан кенг йўлга қўйилмоқда. Лекин ушбу йўналиш бўйича мавжуд муаммолар назарий жиҳатдан яхши ўрганилмаган. Германия, Россия. Англия мамлакатларида таълим жараёнида кластер тизимини шакллантириш ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Америка Кўшма Штатлари, Франция, Корея таълим жараёнида эса шаклланган кластерли тизимини қўллаб-қувватланиши бўйича тегишли стратегиялар яратилган [14, 130].

М.Портер ишларида Массачусетс ва Гарвард университетларида йўлга қўйилган кластерли тизимнинг концептуал схемаси берилиб, ушбу тизимнинг таълим жараёнидаги аҳамияти қайд этилган ва бу тизим АҚШнинг Калифорния штати ва бошқа давлатларда шакллантирилган тизим билан қиёсий таҳлил қилинган [116]. Европада таълим жараёнида кластерли тизим ва унинг ривожланиши ўтган асрнинг 90-йилларида бошланди. Бу даврда Буюк Британияда тиббиёт таълим тизимида кластерли ёндашувларга алоҳида эътибор берилди. Бунда соғлиқни сақлаш бўйича университетларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва маҳаллий давлат ташкилотлари, хусусий компанияларнинг ўзаро ҳамкорликларини ташкил қилиш бўйича

яратилган назарий механизм амалиётга кенг жорий қилиниши асосида ижобий натижаларга эришилди [57].

Францияда дастлаб экотизимни ривожлантиришда кластерли ёндашувларнинг амалиётга жорий қилиниши асосида давлат таълим муассасалари ва илмий лабораторияларнинг ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Бугунги кунда улар таълим кластери бўйича яратган технологик механизмларини халқаро масштабга олиб чиқиш бўйича компаниялар ташкил қилишган [14]. АҚШда экотизимини барқарор ривожлантириш бўйича таълим тизимида яратилган кластерли таълим технологияларни фанлараро интеграциясини йўлга қўйишини таклиф этишмоқда. Шунга кўра таълим жараёнида кластерли тизимни жорий қилиш механизми таклиф қилинади [68].

Таълим тизимини кластерли ёндашув асосида ташкил қилишнинг энг муҳим моҳияти таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни ривожлантиришдан иборатдир. Бунда таълим кластери инфраструктурасини замон талабалари асосида ривожланишида, ишлаб чиқариш ва таълим тизими ўртасида алоқа технологиялари каби инновацион кўрсаткичларда ўз имкониятлари ва ифодасини топади [49].

Россияда иқтисодий самарадорликни ривожлантиришда таълим кластерларини энг муҳим инструмент эканлиги қайд этилади [46].

Тегишли манбалар асосида таълим кластерлари бўйича маълумотларни алоҳида қайд этиш мумкин:

1. Таълим тизимида инновацион кластерлар - ўз ичига маълум бир муҳитда жойлашган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, ишлаб чиқаришни ўз ичига олиб, бунда яратилган занжирли тизимдаги барча иштирокчиларнинг (илмий муассасалар, кичик инновацион компаниялар, синовдан ўtkазиш марказлари, марказлашган ҳолда фойдаланиладиган ускуналар, маҳсулотларга сертификат берувчи лабораториялар, мутахассислар тайёрловчи ва жойларга етказиб берувчи олий таълим муассасалари ва ўқув марказлари, интеллектуал мулк агентлиги ва бошқалар)

инновацион маҳсулотни яратишнинг бошидан то охиригача ўзаро алоқада ва ҳамкорликдаги фаолиятидир [45].

2. Таълим кластери – занжирли инновацион таълим тизимида ўзаро ўқитиши ва мустақил таълим олиш инструментлари – технологиялар – занжир тизимида ўзаро горизонтал бοғланган ишлаб чиқариш жараёни [48].

3. Фан-таълим кластери – бу мактабдан то ишлаб чиқаришгача бўлган узлуксиз таълимнинг бир бутун тизими [98].

4. Таълим тизимида кластерли технологиялар – иш берувчи ва таълим муассасалари ўртасида яратилган ҳамкорлик дастури [109]

Кластер терминининг қўлланиш ва ундан фойдаланиш технологиялари асосида шуни қайд этиш мумкинки, кластер ва кластерли ёндашувлар инновацион таълим жараёнига хосдир. Таълим кластерлари эса инновацион таълим олишни ташкил этишининг шаклидир. Таълим жараёнини ташкил этишининг кластерли шакли инновацион маҳсулотлар яратиш ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга йўналтирилади [26].

Таълим кластерлари концепцияси моҳияти мазмунан етакчи олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари, мутахассисликка йўналтирилган мактаблар, ишлаб чиқариш корхоналари ва мутахассис кадрларга талабгорларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган бирлашмадир [126; 156]. Н. Анисына олий таълим муассасаси кластер технологиялари асосида бирлашган коммерциал ташкилотлар, давлат ташкилотлари ва бошқа нодавлат ташкилотлари бирлашмасининг ядросини ташкил этади ва бунда олий таълим муассасасининг маҳсулоти бўлган мутахассис кадрлар фаолиятининг муҳим натижаси сифатида эътироф этади [18]. Агар автомобиль кластерида бош маҳсулот яратилган автомобиль, кимё саноатида – кимёвий маҳсулот бўлса, таълим кластерида бош маҳсулот – бу таълим хизматлари ва тайёрланган мутахассис бош маҳсулот бўлиб хизмат қиласида [38]. Демак, бундан шундай холосага келиш мумкинки, таълим кластери нафақат таълим хизматларини яратиш, балки рақобатли меҳнат бозорини ҳам яратиши билан тавсифланади.

Бугунги кунда таълим хизматлари конъюктураси бозори билан меҳнат бозори конъюктураси мос келмайди ва бу таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимини такомиллаштирувчи янги механизмни яратишни тақазо этади. Шунга кўра Ўзбекистон шароитида амалга ошаётган чуқур ўзгаришлар саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда энг аввало таълим тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу ўринда ишлаб чиқариш корхонлари ва муассасалар билан олий таълим ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда хорижий ҳамкорликларни ошириш учун халқаро миқёсдаги чет тилларни ўқитиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги айрим адабиётларда ва Ўзбекистон Республикасининг Норматив-Хукуқий хужжатларида ҳам ўз аксини топган [1, 4, 5, 6, 8, 61].

XXI аср – фан ва юқори технологияларнинг шаклланиш давридир. Ҳозирги вақтда рақобатбардош жамиятни барпо этиш ва ҳаётий фаровонликни шакллантириш қўп жиҳатдан илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар кўсаткичи ва ҳолатига боғлиқдир. Бу ўринда шуни қайд этиш жоизки, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни белгилаб беради.

Табиийки, бунда қатор саволлар пайдо бўлади: таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини қандай амалга ошириш мумкин ва унинг самарадорлиги қанақа бўлади? Таълим ва фан ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни ишлаб чиқариш ҳамда олий таълим билан интеграциясининг алгоритми қанақа? Ишлаб чиқариш жараёнини илмий жараённи ажralmas бўлаги сифатида ташкил қилиш мукинми? Креатив таълимни ўзи нима?.

Тарихий манбалар асосида шуни қайд этиш мумкинки, мамлакатни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани ташкил этиш ва бошқаришни таҳлил қилиш механизми, назорат ва баҳолаш имкониятлари бўлган. Олий таълим тизимида эса ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини боғлиқлигини ўрганиш, замонавий илмий билимларни қўллаш ҳамда илмий ва амалий методлар асосида иш жараёнини

ташкил қилиш учун ҳар бир мутахассислик бўйича маълум фанлар комплекси танланган [40].

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фан ва техниканинг гуркираб ривожланиши билан ахборот оқимининг шиддатли ўсиши кузатила бошланди. Олий таълим тизимида эса билим олиш ҳажми ва ўқитиладиган фанларнинг сони таълим мазмуни ҳамда ўқитиш методларининг такомиллашиб боришига нисбатан кескин ортиб борди. Таълимни экстенсив ривожлантириш ресурслари йўқолиб, олий таълимда интенсив тарзда ўқитиш технологияларини яратиш муаммолари юзага кела бошлади. Одамларнинг ҳаёт тарзи жуда тез ўзгарди, янги маданий коммуникатив шароитлар шаклланди, одамлар ва ижтимоий институтлар ўртасида янги дунёқараш ҳамда муаммолар юзага кела бошлади. Фан, бошқариш маданияти, мутахассислик каби ғоялар ҳамкорлик, шахсни олқишлиш, маданиятлараро муносабатлар каби ғоялар билан аралашиб кетди. Натижада ўзининг маданий коммуникацияси ва нуфузига эга бўлган анаънавий илмий мактаблар ва олий таълим жамият, профессор-ўқитувчилар, ота-оналар ва талабаларни ўзини ҳам қониктирмай қўйди. Таълим тизимида ўзига хос тарзда кризис пайдо бўлди, бу таълимдаги классик ғоялар ва таълим модели инқирози бўлди. Бу кризис таълим жараёнини жамият ҳаёт тарзининг ўзгариши билан таълим тизими, унинг мақсади, мазмуни ва ўқитиш технологиялари ўртасидаги узилишни юзага келтирди. Фанда жиддий инқироз юзага келди. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бошқаруви тузилмаси ўзгарди. Бозор иқтисодиётига ўтиш тузилмаси фан-таълим тузилмасини бозор иқтисодиёти асосида ташкил этиш иқтисодиётни ўсишини таъминловчи тизимни шакллантира олмади. Инновацион ривожланиш стагнациясининг юзага келиши қўпгина давлатлар бошқаруви олдига таълим жараёнини ислоҳ қилишнинг оптимал моделини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бунда инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш муаммоси энг асосий вазифа сифатида режадан жой олди [50].

Фан ва таълим интеграцияси тизимидағи ўзгаришларни ҳамда юқори малакали, рақобатбардош кадрлар таёrlаш тизими билан боғлик ҳолда хорижий тилни ўқитишда тизимли ёндашув механизмларини яратиш мұхим аҳамияттағы эгадир [88].

Ривожланишнинг кластерли модели кўпгина давлатлар сиёсатида ўз ўрнини топган. Бу жараён кўпгина ривожланган давлатларнинг таълим тизимида алоҳида аҳамияттағы эгадир. Oxford Research AS тадқиқотчилари томонидан кластерли сиёсатнинг аҳамияти минтақавий ва миллий даражада ўзаро кучли боғланганлиги билан қайд этилади [105]. Шунингдек, кўпгина давлатларда ҳам кластерли ёндашувларга асосланган минтақавий аҳамияттағы эга эканлигини эътиборга олган ҳолда бунга алоҳида эътибор берилиши баён этилади [14]. Айрим тадқиқотчилар гурӯхининг хулосасига кўра эса кластерли ёндашувларга асосланган фаолиятнинг миллий аҳамияттағы эга эканлиги эътироф этилади [98]. Бундан шундай хулосага келиши мүмкінки, Ўзбекистон шароитида кластерли ёндашувларга асосланган фаолият етарли эмас. Айниқса кластерли ёндашувларга асосланган таълим тизимининг йўлга қўйилиши ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг мұхим омили бўлиб хизмат қилиши мүмкін. Шунга ўхшаш ҳолат, яъни кластерли ёндашувларга асосланган фаолият Австрия, Дания, Испанияда ҳам маълум бир минтақада шаклланган холос [65].

Innovation Norway компанияси давлат миқёсида 2004 йилдан буён кластерли ёндашувлар асосида фаолият кўрсатиб, ўз компаниясини бир неча кластерлар: Norwegian Tourist Board, the Norwegian Trade Council, The Norwegian Industrial and Regional Development Fund, the Government Consultative Office for Inventors асосида бутун мамлакат бўйлаб танитган. Innovation Norway ўз кластер модели билан дунёning 30 дан ортиқ мамлакатларида тегишли кластерли йўналишлар асосида эътибор қозонган. Айниқса Innovation Norway компаниясининг фан ва таълим йўналишидаги кластерли фаолияти кўпгина мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши ва ривожланишига сабаб бўлган. Innovation Norway

компанияси Норвегияда 2002 йилда биринчи кластерли ёндашувларга асосланган “Арена” дастурини тақдим қилган. 2006 йилда эса кластерли ёндашувларга асосланган “Норвегия экспертизалар маркази” номи билан иккинчи дастурини тақдим қилган. “Норвегия экспертизалар маркази” дастури “Дунё миқёсидаги кластер” мақоми билан динамик тарзда ривожланаётган ва истиқболли кластерларни қўллаб қувватлаган [42].

VDI/VDE-IT – кластерли тизим асосида шаклланган хусусий немис компанияси 1978 йилда Европанинг кўп сонли профессионал инженерлар ассоциацияси асосида ташкил этилган. Бу компания ўз фаолияти давомида кластерли ёндашувларга асосланган илм-фан ва таълим кластерини шаклланишига алоҳида ҳисса қўшган. Бугунги кунда ушбу компанияда табиий фанлар йўналишида таълим ва фан тизимини кластерли тизим асосида ривожлантириш бўйича 100дан ортиқ профессионал мутахассислар фаолият кўрсатади. Шунингдек, бу компанияда кластерли тизим асосида муҳандислар, инновацион менежерлар ва экономистлар фаолият олиб боришади. VDI/VDE-IT Германияда кластерли ёндашувларга асосланган ўнлаб таълим дастурларин, инновацион сиёsat механизмини яратишида таниклидир. VDI/VDE-IT компанияси Германиянинг иқтисодиёт ва технологиялар вазирлиги номидан Competence Networks Germany дастурини яратган ва бу дастур кўпгина минтақаларда кластерли ёндашувларга асосланган фан ва таълим интеграциясини ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эгадир [36].

Таълим ва фан интеграциясига асосланган “France Clusters (CDIF)” кластери Францияда 100дан ортиқ таълим йўналишига асосланган кластерлар билан ҳамкорик қиласида ва бу компания мамлакатда таълим жараёнини кластерли ёндашувлар асосида ташкил қилишда мавжуд дастурларни қўллаб қувватлайди [14]. Шунингдек, REG X - The Danish Cluster Academy компанияси Данияда кластерли технологиялар асосида яратган дастури асосида таълим жараёнини ривожлантириш, илмий тадқиқот фаолиятини маълум тизим асосида кластер тизими доирасида ташкил қилиш ҳамда

таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кластерли ёндашувлар асосида ривожлантиришга ихтисослашгандир. Бугунги кунда бу компаниянинг клатерли ёндашувларга асосланган таълим дастури кўпгина минтақаларда тадбиқ этилган. Дания ҳукумати REG X компаниясининг кластерли ёндашувларга асосланган 2 та дастурини молиявий қўллаб-куватлади: биринчи дастур кластерли билимга эга бўлган менежерларни тайёрлаш бўлиб, бунда таълим модули кластерли стратегик аҳамиятга эга бўлган тизимга эътибор берилиб, халқаро ҳаракатчанлик дастури илгари сурилади. Халқаро ҳаракатчанлик дастури асосида кластерли ёндашувларга асосланган ҳолда хорижий тилни ўрганишга алоҳида аҳамият берилади. Иккинчи дастур кластерли ёндашувларга асосланган инновацион сиёсат ва инновацион дастурларни ўз ичига олиб, бунда таълим ва фан ютуқларининг ишлаб чиқаришдаги ўрнини топишида алоҳида аҳамият берилади [37, 49].

Oxford Research AS, Европанинг 31 та мамлакатида кластерли сиёсатнинг фаолияти бўйича тадқиқот олиб боради. Бунда Европанинг 13 та мамлакатида 2 тадан вазирлик мамлакатнинг Oxford Research AS дастури асосида кластерли ёндашувларга асосланган таълим ва фан интеграциясини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолият олиб боришни ташкил этади ва назорат қиласи [48].

Европа мамлакатларининг кластерли ёндашув ва кластерли сиёсат тизими асосида фаолият олиб бораётган ташкилот ва агентликларини минтақавий ва миллий аҳамиятга эга бўлган фаолиятини алоҳида қайд этиш мумкин. Ушбу ташкилот ва агентликлар таълим тизимини кластерли ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда маркетинг тизимини кластерли технологиялар асосида ривожлантиришда тизимли фаолият олиб боришлари билан кўпгина мамлақатларда эътибор қозонган. Шунга кўра кластерли ёндашулар асосида фаолият олиб бораётган ушбу хорижий мамлакатлардаги ташкилот ва агентликларнинг тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ этиш асосида миллий аҳамиятга эга бўлган кластерли технологияни яратиш мумкин [47].

Бу ўринда Европа иттифоқи мамлакатлари томонидан тақдим этилган ёки яратилган структура кластерли ёндашувларга асосланган таълим тизимини ривожлантиришда аҳамиятга эгадир (1.1-расмга қаранг) [57].

Ушбу структура кластерли ёндашувларга асосланган ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланиш тизимини яратилишида асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.



1.1-расм. Европа Иттифоқи мамлакатларини кластерли тизим асосида ривожланиш структураси

Айниқса, бу технологик ёндашув таълим тизимини шароитга мос ҳолда ривожлантиришда ҳамда таълим ва фан интегарцияси тизимида халқаро ҳаракатчанлик дастурини ишлаб чиқиши имконини беради. Бу халқаро тажрибаларни ўрганиш, ўзаро тажрибалар алмашиши механизмини йўлга қўйиш имконини беради [57].

§ 1.3. Ўзбекистонда кластерли тизимни жорий этиш принциплари ва йўналишлари

Ўтган узоқ йиллар давомида олий таълим тизимида илмий потенциал ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий критерияси ҳисобланган. Олиб борилган тадқиқотлар эса шуни кўрсатадики, бугунги кунгача фундаментал ва амалий аҳамиятга эга бўлган кўпгина масалалар ҳалигача ўз ечимини топганича йўқ. Жумладан, ҳозирги давргача “олий таълимнинг инновацион потенциали” тўғрисидаги тушунча шаклланмаган. Бусиз эса олий таълим тизимини баҳолаш ва инновацион потенциалини ривожлантириш тўғрисида тегишли хулоса қилиб бўлмайди. Чунки олий таълим жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий

бўғини ҳисобланади. Жамиятнинг қуий бошқариш тизимидан то юқори бошқарув органигача мутахассислар олий таълим тизимида тайёрланади. Шунинг учун инновацион ривожланиш тизими энг аввало олий таълим тизимини қамраб олиши керак бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, олий таълим жамиятнинг иқтисодий барқарор ривожланишида асосий бўғинни эгаллайди. Шунинг учун ОТМ ишлаб чиқариш йўналишлари, илмий тадқиқот ва таълим муассасаларининг методик маркази сифатида акс этиши керак. Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим камидаги бир ёки иккита хорижий тилларни юқори даражада билиши мақсадга мувофиқ. Чунки олий таълим тизимида тайёрланган мутахассислар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларига боради ва фаолият юритади.

Шунга кўра хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишда кластерли ёндашувга асосланган тизимни қўллаш, таълим сифатини оширибина қолмай юқори малакали мутахассис кадр тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Одатда, хорижий тилни самарали ўргатиш тизимини олий таълим фаолияти билан боғлик, деб тушунилади. Шунинг учун хорижий тилни ўқитишга олий таълим тизимининг ажралмас компоненти ва кадрлар тайёрлашнинг муҳим кўрсаткичи сифатида қараш мақсадга мувофиқ [110].

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълим тизимида хорижий тилни юқори даражада ўқитишнинг самарали моделини ишлаб чиқиш учун, кластерли-тизим назариясидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга [51]. Айрим манбаларда ўқув жараёнини ташкил қилиш асосида сифат кўрсаткичига эришиш учун кластерли тизимга асосланган моделдан фойдаланиш тавсия этилади [129]. Кластерли моделга асосланган тажрибавий фаолият натижаларида ҳар бир кластер мақсадли тарзда экстенсив параметрларга эга бўлиш учун маълум ишланма ёки технология асосида жорий этилади [51].

Олий таълим тизимининг нуфузи ушбу тизимдаги фан ва техника ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Фан ва техника жадал ривожланаётган бугунги қунда олий таълим тизимида мустақил таълим жараёнини ривожлантириш ва “Илм орқали билим” технологияларига асосланган тизимни шакллантириш асосида “таълим-фан-ишлаб чиқариш комплекси”ни ташкил этиш ва улар ўртасида интеграцион механизмни такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тизимни ривожлантириш ва ҳамкорликлар асосида такомиллаштиришда хорижий тилларни, жумладан, инглиз тилини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, фанда юзага келаётган янги-янги кашфиётлар асосидаги илмий ахборотларни талаба қисқа муддатли ўқиши даврида ўзлаштириш имкониятига эга бўлиши учун хорижий манбалардан тегишли маълумотлар билан доимий танишиб бориши керак. Иккинчидан, ҳаётий талаблар жуда тез ўзгараётган бир пайтда ишлаб чиқаришда ҳам янги-янги муаммолар юзага келмоқдаки, бу яратилаётган илмий кашфиётларга яна ҳам жиддийроқ ёндашиш ва уларни тадбиқ этиш учун хорижий олимлар кашфиётлари билан ҳам мунтазам танишиб бориши талаб этилади. Шунинг учун ОТМда таълим жараёнини ҳаётий талаб ва муаммолар ечимиға мос ҳолда такомиллаштириб бориш лозимки, талабанинг имконият ва лаёқати келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ечимиға қаратилган бўлиши керак. Бунинг учун таълим жараёнини хорижий илғор технология ва кашфиётлар билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шундагина ижтимоий жамият ва унинг иқтисодий барқарор ривожланишига эришиш мумкин [50]

Демак, корхона ва муассасанинг иқтисодий барқарор ривожланиши ОТМда тайёрланадиган юқори малакали мутахассис кадрлар ва уларнинг тайёрланиш ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-2909 [2] ҳамда 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарорларида [3] белгиланган вазифаларда ҳам ўз аксини топди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашда ОТМ, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида уйғунликни таъминловчи кластерли тизимга асосланган “ўқув-илмий комплекс” яратилишига алоҳида эътибор бериш ва бунда хорижий алоқаларни юқори даражада йўлга қўйилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

1 боб бўйича хулосалар

1. Хорижий тилларни ўқитиш билан боғлиқ ҳолда жуда кўп методлар яратилган ва уларнинг кўпчилиги амалиётга жорий қилинган. Лекин жорий қилинган методлар ҳар доим ҳам самара беравермайди. Масалан фундаментал методда инглиз тилини 2-3 йиллик ўқиши, грамматикани чуқур ўрганиши тақазо этади. Ушбу метод, асосан, профессионал таржимонларни тайёрлашда қўл келиб, ўқиш якунида талабалар дунёга “native speaker”, яъни тил эгасининг (ташувчиси) кўзи билан қарашга эришадилар. Унинг асосида тил реал ва тўлиқ мулоқот воситаси сифатида ўрганилади. Лекин бу метод асосан ижтимоий мулоқот, ўзаро алоқа воситаси сифатида аҳамиятлилиги билан кифояланади. Тегишли мутахассисликлар соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, технологияларни ўзлаштириш, эгалланган тажрибаларни халқаро миқёсга олиб чиқиш каби жараёнларда эса бу етарли эмас. Бунда мутахассис инглиз тилини ижтимоий мулоқот қилиш даражасида етарлича билсада, ўзининг соҳасидаги терминларни, технология ва тушунчаларни етказиб бера олиш ёки ўзлаштириш имкониятига эга бўлмайди. Бу ҳамма вақт ҳам ижобий баҳо билан белгиланавермайди.

2. Инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитиш тизимини яратиш мақсадида адабиёт манбалари таҳлил қилинган. Бунда таълим жараёнида ҳам кластерли тизимнинг самарадолик кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларга эга бўлинди. Олинган маълумотлар асосида шуни қайд этиш мумкинки, инглиз тилини мутахассислик ёки таълим йўналиши манбаларига мос ҳолда кластерли ёндашувлар асосида ўқитилиши нафақат тилни билиш

күнікмасига эга бўлиш, балки танлаган соҳаси бўйича хорижий манбаларни ҳам ўзлаштириш асосида етук мутахассис бўлиш имкониятига эга бўлиш мумкинлиги тўғрисида хulosалар қилинди.

2 БОБ

НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

§ 2.1. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитиш

Фан ва техника жадал ривожланаётган бугунги кунда олий таълим тизимида мустақил таълим жараёнини ривожлантириш ва “Илм орқали билим” технологияларига асосланган тизимни шакллантириш асосида “таълим-фан-ишлаб чиқариш комплекси”ни ташкил этиш ва улар ўртасида интеграцион механизмни такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тизимни ривожлантириш ва ҳамкорликлар асосида такомиллаштиришда хорижий тилларни, жумладан, жаҳонда энг муҳим мулоқот тили бўлган инглиз тилини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, фанда юзага келаётган янги-янги кашфиётлар асосидаги илмий ахборотларни талаба қисқа муддатли ўқиши даврида ўзлаштириш имкониятига эга бўлиши учун хорижий манбалардан тегишли маълумотлар билан доимий танишиб бориши керак. Иккинчидан, ҳаётий талаблар жуда тез ўзгараётган бир пайтда ишлаб чиқаришда ҳам янги-янги муаммолар юзага келмоқдаки, бу яратилаётган илмий кашфиётларга яна ҳам жиддийроқ ёндашиш ва уларни тадбиқ этиш учун хорижий олимлар кашфиётлари билан ҳам муентазам танишиб бориш талаб этилади.

Шунинг учун ОТМда таълим жараёнини ҳаётий талаб ва муаммолар ечимиға мос ҳолда такомиллаштириб бориш лозимки, талабанинг имконият ва лаёқати келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ечимиға қаратилган бўлиши керак. Бунинг учун таълим жараёнини хорижий илғор технология ва кашфиётлар билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш мақсадга мувоғиқ. Шундагина ижтимоий жамият ва унинг иқтисодий барқарор ривожланишига асосли тарзда эришиш мумкин.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган мутахассис, илмий тадқиқот институтидаги мутахассис олим ҳам ўз соҳаси бўйича

янгиликлар ва уларнинг механизмлари билан танишиб бориб, замон талабларига мос маҳсулотлар яратиш ва кашфиётларни амалга ошириш бўйича аниқ стратегик режага эга бўлиши зарур. Чунки бугунги қун иш жараёнида қўлланилаётган технология эртанги қун талабига жавоб бермаслигига шак-шубҳа йўқ. Бунинг учун Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш ҳамда уларнинг симбиотик комплексини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир (2.1-расмга қаранг):

2.1-расм. ОТМ, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш ўртасидаги



ўзаро “таълим учбурчаги” шаклидаги симбиотик алоқа


Бу З та гигант тузилманинг симбиотик алоқаси илғор хорижий технологиялардан фойдаланиш ёки ҳамкорликларни йўлга қўйиш билан амалга оширилади. Шундагина ишлаб чиқаришда жадал ўсиш бўлади ва иқтисодий тараққиёт илгарилаб боради. Бунинг учун ҳар бир тузилмада хорижий – инглиз тилини мутахассисликка мос ҳолда кластерли ёндашув асосида ўргатиш мухим аҳамиятга эга.

Айнан ана шу ўринда ОТМнинг ўрни ва ишлаб чиқариш ҳамда муассасалар қайси ОТМда тайёрланган мутахассис кадрларга эҳтиёж сезиши аниқ бўлади.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашда ОТМ, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида уйғунликни таъминловчи кластерли тизимга асосланган “ўқув-илмий комплекс” яратилишига алоҳида эътибор бериш ва бунда хорижий алоқаларни юқори даражада йўлга қўйилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

ОТМда кластерли тизимга асосланган “ўқув-илмий комплекс”нинг структураси ва унинг фаолият механизми қандай тартибда бўлиши мумкин?

ОТМда ўқув-илмий комплекс таркибан таълим йўналишларига мос равишда кичик ишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичига олган технопарк, илмий марказ, лабораториялар, тажриба майдонлари ҳамда келгусида битирувчиларни ишга қабул қилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларни ўз ичига олади (2.2-расмга қаранг):



2.2-расм. ОТМда ўқув-илмий комплекс структураси

ОТМда олиб борилган тажрибалар ва ривожланган мамлакатларнинг нуфузли ОТМда таълим жараёнини таҳлил этиш асосида шуни айтиш мумкинки, олий таълим тизимида таълим жараёнини талабаларнинг илмий тадқиқот ва амалий фаолиятларда иштирок этишлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиниши уларнинг олаётган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш имконини беради, ишлаб чиқариш жараёнларига яқинлаштиради.

Олий таълимда ишлаб чиқариш (И/Ч) корхоналари ва муассасалар, соғлиқни сақлаш (СС), ижтимоий гуманитар (ИГ) тизимлари билан боғлиқ бўлган уч хил таълим йўналишлари асосида мутахассислар тайёрланади. Бу 3 та тизимни 3 та йирик кластер сифатида баҳолаш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш ва муассасалар тизими кластери. Бунга ушбу тизимдаги мавжуд олий таълим муассасалари ва улар базасидаги мавжуд кафедра, лабораториялар, институтлар, мараказлар; шу тизим йўналишидаги ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар киради.

2. Соғлиқни сақлаш тизими кластери. Бу кластерга ушбу тизимдаги мавжуд олий таълим муассасалари ва улар базасидаги клиникалар, соғлиқни сақлаш муассасалари, лабораториялар, тиббиёт институтлари, тадқиқот ва даволаш мараказлари ташкил этади.

3. Ижтимоий гуманитар ва иқтисодиёт тизими кластери. Бу кластерга ушбу тизимдаги мавжуд олий таълим муассасалари ва улар базасидаги илмий марказлар, фуқаролик жамияти институтлари, хукуқ тартибот ташкилотлари, иқтисодиёт тармоқларини қамраб олади.

Ҳар бир кластер йўналишлари бўйича ОТМда, тил ўрганиш марказларида 10 нафардан тингловчиларни танладик. Тингловчиларни инглиз тилини умумий тил ўрганиш гурухларида ва ўзларининг танлаган мутахассислигига оид гурухларда иштирок этишлари эътиборга олинди. Олиб борилган тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатдики, инглиз тилини ўрганувчилар ўзларининг мутахассислиги бўйича гурухларда иштирок

этувчи тингловчилар инглиз тилини умумий ўрганувчилар гуруҳида иштирок этаётган тингловчиларга нисбатан кўпроқ ижобий натижаларга эришганликлари аниқланди (2.1-жадвалга қаранг):

2.1-жадвал.

Кластерли ёндашув асосида инглиз тилини ўрганиш

натижалари (изоҳ 1)¹

Кластер номи	Кластер йўналиши	Тингловчилар сони	Умумий тил ўрганиш курсида		Мутахассислиги бўйича инглиз тилини ўрганиш гуруҳ тингловчиси	
			Жами тингловчилар	*Шундан юқори кўрсаткичга эришганлар	Жами тингловчилар	*Шундан юқори кўрсаткичга эришганлар
Ишлаб чиқариш	Қишлоқ хўжалиги ходими	10	5	3(60%)	5	5(100%)
	Кимёгар	10	5	2(40%)	5	4(80%)
Соғлиқни сақлаш	Даволовчи врач	10	5	1(20%)	5	3(60%)
	Фармакология	10	5	1(20%)	5	2(40%)
Ижтимоий гуманитар	Тарихчи	10	5	1(20%)	5	2(40%)
	Иқтисод	10	5	2(40%)	5	4(80%)

Жадвалдаги кўрсаткичлардан маълумки, умумий тил ўрганиш гуруҳларида тил ўрганган жами 30 нафар тингловчилардани 10 нафари халқаро танловлар ғолиби, йирик халқаро лойиҳалар раҳбари, хорижий тажрибалар орттириб юқори натижаларга эришган. Ўзларининг мутахассисликларига йўналтирилган тил ўрганиш гуруҳларида (кластер ёндашув асосидаги) тил ўрганган жами 30 нафар тингловчилардан эса 20 нафари ўз ютуқларини хорижий давлатларда намойиш қилиш асосида инвестицияларни жалб қилган, халқаро танловлар ғолиби, йирик халқаро лойиҳалар раҳбари сифатида юқори натижаларга эришган. Бунда кластерли

Изоҳ 1.: Юқори кўрсаткич: халқаро танловлар ғолиби, хорижий тажрибаларни ошириб ижобий натижаларга эришган, эришган ютуқларини хорижий давлатларга намойиш қилиб, ҳамкорликларни йўлга қўя олганлар каби кўрсаткичларни ташкил этади

ёндашув асосида мутахассислиги бўйича тил ўрганиш гуруҳида иштирок этганлар умумий курс тингловчиларига нисбатан 50% юқори кўрсаткичларга эришишган. Эришилган ютуқлар асосидаги натижаларга кўра шуни қайд этиш мумкинки, ҳар иккала ҳолда ҳам бир томондан ўз соҳасини яхши ўзлаштирган бўлса, иккинчи томондан инглиз тилини қайси муҳит ва шаклда ўрганиши натижалари билан боғлиқ эканлигини қайд этиш мумкин. Лекин кластерли тизим асосида мутахассислигини чуқур ўзлаштириш билан бирга инглиз тилини ўрганган мутахассислар инглиз тилини умумий гуруҳларда ўрганган мутахассисларга нисбатан юқори натижаларга эришганлигини қайд этиш мумкин.

Демак, кластерли ёндашув асосида хорижий тилни ўрганишда юқори кўрсаткич ва муваффақиятларга эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун хорижий тилларни ўқитиш ва тил ўрганувчилар учун қўлланма ёки кўрсатмалар тайёрлашда кластерли ёндашувга асосланган ҳолда тегишли мутахассисликларга мос ҳолда тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Талабанинг ОТМда таҳсил олаётган кунларидан бошлаб мавжуд ҳаётий муаммолар билан танишириб бориш давомида, мавжуд муаммо ва ечимларни ўрганаётган хорижий тил даражасида ҳам билиши лозим. Бунда талаба таълим олиш жараёнида кўпроқ муаммолар ечими билан қизиқади ва ҳар бир ўқиган адабиётлари саҳифаларидан ўзи қизиқсан маълумотларни чуқурроқ ўзлаштиришга ҳаракат қиласи, шу муаммони ечими билан боғлиқ бўлган маълумотларни топиш учун кўпроқ адабиётлар ва манбалар билан танишишга ҳаракат қиласи. Бу талабанинг маълум муаммони ечими билан боғлиқ маълумотларни чуқурроқ ўзлаштириш имкониятини туғдиради.

Ўқув жараёни билан бирга бўлажак мутахассис ОТМдаги илмий лаборатория, технопарк таркибидағи ишлаб чиқариш йўналишларида ёки келгусида борадиган ишлаб чиқариш корхонаси ва муассасалардаги жараёнларда иштирок этишлари орқали ўзининг ишлаб чиқаришдаги ўрнини олдиндан тасаввур эта бошлайди. Шахмат ўйини, футбол, ишлаб чиқариш жараёнлари иштирокчидан кўра ташқаридаги кузатувчига аниқроқ кўрингани

сингари, талаба ўзининг келгусидаги иш ўрнини ташқаридан туриб кузатади ҳамда кузатувчи сифатида баҳо беришга ҳаракат қиласи. Шунингдек, у лаборатория, ИТИ, ишлаб чиқариш корхона ва муассасаларда бўладиган жараёнларда иштирок этиш асосида мавжуд муаммоларни ечимига қаратилган фаолиятларда иштирок этади. Шу билан бирга у муаммолар ечимини хорижий манбалардан ҳам излайди ва уларнинг натижалари ва ютуқлари билан солиштиради. Шунинг учун у ўзи танлаган соҳани яхшироқ тушуниши мумкин бўлган ҳолда тил ўрганишга ҳаракат қиласи. Ана шундай ҳолда кластерли ёндашувга асосланган ҳолда тил ўқитиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бунда талаба ўз фаолиятини ишлаб чиқариш билан боғлай бошлайди. Кутубхона аудитория, лаборатория, устахона, тажриба майдонлари талаба учун фақатгина ўзини ишлаб чиқаришга тайёрлайдиган жойгина бўлиб қолмай келгусида ҳам малака ва тажрибасини ошириб борувчи жой бўлиб қолади. Талабанинг шаклланган ўкув-илмий комплексда олган билими ва кўникмалари натижаларининг курс иши, БМИ, ишланмаларда акс этиши ва натижаларни ишлаб чиқаришда татбиқ этишга тавсия этиши ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши юқори малакали мутахассиснинг тайёрланишига муҳим асос бўлиши мумкин. Барча ҳолларда танлаган мавзуси бўйича мавжуд маълумотларни ёки ўзи олган натижаларни хорижий манбалардаги маълумотларга солиштиришга ҳаракат қиласи. Бу илғор хорижий технологияларни жалб қилишга ҳаракат қилиш билан бирга маҳаллий шароитда яратилган технологияларни хорижий манбалар орқали ёритишга ҳаракат қиласи. Бу эса ўз навбатида халқаро интеграцияни шаклланишига муҳим туртки бўлиши табиийдир.

Ушбу интеграцияни шаклланиши билан боғлиқ ҳолда нофилологик таълим тизимида инглиз тилини ўқитилиш ҳолатини билиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра тадқиқотларимиз давомида нофилологик таълим йўналиши бўйича инглиз тилини ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилдик.

§ 2.2. Нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиши бўйича дастур ва дарсликларнинг таҳлили

Маълумки, таълим сифатини юқори даражада ташкил этишининг энг муҳим жиҳати – бу ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастурларининг қандай яратилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Дастур – бу фан мазмунини изоҳловчи ва босқичли тарзда тегишли кўникмалар ҳосил қилиш имконини берувчи давлат ҳужжатидир. Олий таълим муассасасида фан дастури ва ўқув материаллари (дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқалар) барча мутахассислик фанлари сингари талабаларни хорижий тилни танлаган мутахассисликларига мос тарзда ўрганишларида муҳим йўл харитаси ҳисобланади.

Нофилологик таълим йўналишларида таҳсил олувчи талабалар инглиз тилини ўрганишларида ўқув дастури ва адабиётлар мутахассислик фанлари дастурлари билан боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу бўлажак мутахассисни биринчидан, мутахассислик фанларини чуқурроқ ўзлаштириш имконини беради, иккинчидан, мутахассислик йўналишлари бўйича хорижий манбалар маълумотлари ва технологиялар билан эркин танишиш ҳамда ишлай олиш кўникмасини ҳосил қиласди, учинчидан, олий таълимни тугатиши билан ишлаб чиқаришда яратилган янги технологияларни хорижий ҳамкорларга намойиш қилиш ёки олиб келинган хорижий технологиялар билан ишлаш, такомиллаштиришда фаол иштирок этиш имконини беради. Шунга кўра яратилган ёки яратилаётган дастур ва ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, услубий кўрсатма ва ҳ.к.) бугунги кун талаби ҳамда ишлаб чиқаришдаги муаммолар ечимига қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда иқтисодий ривожланишда салбий ҳолатлар кузатилаверади. Бу ўринда хорижий тил, жумладан, инглиз тилини ўқитишида профессионал ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки инглиз тили нофилологик таълим йўналишларида таҳсил олаётган бўлажак мутахассисларнинг хорижий технологияларни ўзлаштириш, маҳаллий шароитда яратилаётган

ишланмаларнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириш каби кўникумаларга эга бўлиш даражасида тарбиялашда алоҳида ўрин тутади.

Олиб борилган изланиш ҳамда тажрибалар ва мавжуд манбаларни, ишлаб чиқаришда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш асосида шулар маълум бўлдики, бугунги кунда жадал ривожланиш сари қадам босаётган давлатимизда ишлаб чиқариш жараёнлари асосан хорижий технологияларга боғланиб қолган. Бу ўринда ишлаб чиқаришга бораётган мутахассислар, биринчидан, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган хорижий технологиялар билан мулоқот қила олиш кўникумасига эга эмас, иккинчидан, хорижий технологияларни ўрганиш учун қўпчилик битирувчиларнинг етарли даражада тил билиш даражаси имкон бермайди. Ушбу мавжуд ҳолат олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитилиш ҳолатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Тадқиқот олиб бориш учун танланган таълим йўналишларида тажриба синов ишлари ўтказиш давомида нофилологик таълим йўналишлари учун ишлаб чиқилиб, тасдиқланган малакавий талаб, инглиз тилини ўқитиш бўйича намунавий ва ишчи ўқув дастурлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 124-сон Қарорида Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенсиясини шакллантиришдан иборат эканлиги белгиланган.

Лекин таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, деярли барча нофилологик таълим йўналишлари учун ишлаб чиқилиб, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2015 йил 21 августдаги 303-сон, 2016 йил 6 апрелдаги 137-сон, 2017 йил 24 августдаги 603-сон бўйруқлари билан

тасдиқланган малакавий талабларда бити्रувчи талабаларда хорижий тилни билиш даражаси бўйича критериялар белгиланмаган.

Шунингдек, олий таълим муассасаларининг барча нофилологик таълим йўналишлари учун яратилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув дастурида ҳам қатор камчиликларни кўриш мумкин. Ўқув дастури барча нофилологик таълим йўналиши учун бир хиллиги мутахассислиги йўналиши бўйича тил ўрганишда кўникмалар ҳосил қилиш имконини бермайди. Нофилологик таълим йўналишларида жами 378 соат ҳажмда инглиз тилини ўргатиш амалий тарзда машғулотлар ўтказилиб, шундан 234 соат аудитория машғулотини, 144 соат мустақил таълимни ташкил қиласди. Ушбу ўқув соатлари учун ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланаётган намунавий ўқув дастури барча таълим йўналишлари учун бир хил. Намунавий ўқув дастурида белгиланган 378 соатлик ўқув юкламасида машғулотлар давомида талабаларга нималарни ўргатиш, қанақа кетма-кетлик ёки босқичда мутахассислигига мос тил билиш кўникмасини ҳосил қилиш тартиби йўқ (2.2-жадвалга қаранг):

2.2-жадвал.

Нофилологик таълим йўналишларида хорижий (инглиз) тилни ўқитиши холати

Ўқув-меъёрий хужжатлар	Амалда			
	Умумий юклама	Аудитория соатлари		
		Жами	Амалий	Мустақил таълим
Ўқув режаси	378	378	234	144
Малакавий талаб	Малакавий талабда тилни билиш даражаси тўғрисида маълумот берилмаган			
Ўқув дастури	Тегишли таълим йўналишлари бўйича мутахассислик фанлари ёки мутахассисликка оид манбаларга ҳаволалар берилмаган			
Тавсия этиладиган адабиётлар ёки манбалар	Фақат умум фойдаланиш манбалари берилган			
Ўқув-услубий мажмуа	Мутахассисликка оид фан ва манбалардан жуда кам фойдаланилган			

Гарчи талабаларнинг танлаган таълим йўналишлари бўйича етук ва рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда хорижий тил(лар)ни эгаллаш вазифаси қўйилган бўлсада, хорижий тилни ўқитиш бўйича ўқув дастурларида бу ҳолат ўз аксини топмаган. Масалан, қишлоқ хўжалиги таълими йўналишларининг 4 семестрида инглиз тилини ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш давомида номутаносибликни қайд этиш мумкин (2.3-жадвалга қаранг):

2.3-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги таълими йўналишларининг 4 семестрида инглиз тилини ўқитиш ҳолати

№	Машғулотлар давомида ўтиладиган мавзулар	Жами соат	Амалий	Мустақил
1	Holidays and Hobbies	10	6	-
	University of Cambridge		-	4
2	Research issues	10	6	-
	The British Museum		-	4
3	Hotels	10	6	-
	Libraries		-	4
4	Appearance and Character	10	6	-
	Using the earth as a power station		-	4
5	Professions	10	6	-
	Traffic in future		-	4
6	Top research results	11	6	-
	Before the Congress		-	5
7	Review	2	2	

“Holidays and Hobbies” тўғрисида 1 семестрда талабани инглиз тилида мулоқот қилишга киришиши билан боғлиқ мавзулар асосида маълумотлар бериш мумкин. Бунинг ўрнига 4 семестрда мутахассислик фанларида ўқитиладиган тушунча ва маълумотлар тўғрисидаги мавзу ўрин олса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки талаба мутахассислигига оид хорижий маълумотларни эгаллаши ва уларни мустақил таълимда такрорлаши танлаган соҳаси бўйича етарли билим эгаллашига асос бўлиши мумкин.

“University of Cambridge” мавзуси талаба учун умуман мавҳум. Чунки талаба Кембридж университетини кўрмаган ва уни тасаввур қилиш имкониятига эга эмас. Келгусидаги фаолиятини қанчалик даражада ушбу университет билан боғлаши номаълум. Бунинг ўрнига мутахассислиги оид мавзу қўйилса, талабага тушунарли бўлади ва ушбу мавзу бўйича хорижий маълумотларни ўрганишга ҳаракат қиласи. Энг муҳими мутахассислиги бўйича маълумотни инглиз тилида ҳам қайта такрорлаши доимий эсида қолишига асос бўлиши шубҳасиз.

“The British Museum” мавзусининг қўйилиши ҳам қишлоқ хўжалиги таълими йўналишининг 2 босқич талabalари учун тегишли тушунча ҳосил қилиш имконини бермайди. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги таълимида таҳсил олаётган талаба Британиянинг музейини тасаввур эта олмайди ва уни кўрмаган. Бу ушбу таълим йўналиши талабаси учун муҳим эмас. Бунинг ўрнига қишлоқ хўжалиги соҳасига оид мавзунинг қўйилиши, талабанинг танлаган соҳаси бўйича тегишли маълумотга эга бўлиш имконини беради. Бу талаба учун таниш жумлаларни такрорлаш имконини беради ва такрорланган маълумотлар бўлажак мутахассис сифатида доимий эсида қолишига сабаб бўлади. Шу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ваҳоланки, талabalар ҳар бир машғулот давомида мутахассислик йўналишларига мос ҳолда сўз ва ибора, объект ва тушунчаларни билишлари, соҳалари бўйича мулоқот қила олиш кўникмасига эга бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Лекин барча нофилологик таълим йўналишлари бўйича намунавий ўқув дастурларида мутахассисликларига мос ҳолда йўлланма ва кўрсатмалар берилмаган ҳамда тегишли таълим йўналишлари бўйича мутахассислик фанлари ёки мутахассисликка оид манбаларга ҳаволалар берилмаган. Дастурларда фойдаланиш учун фақат умумфойдаланиш манбалари берилиши билан чекланилган холос. Мутахассисликка оид адабиёт ва манбалардан жуда кам фойдаланилган. Мутахассисликка оид топшириқлар кам. Мустақил топшириқлар фақат реферат тайёрлаш, машқ бажариб келиш шаклида берилган. Бу ҳолат

талабани амалий тарзда кўникмага эга бўлишини чеклайди ва амалий кўникмалар ҳосил қила олмайди. Ўқув дастурлари мазмун ва моҳиятан нофилологик таълим йўналишлари бўйича тил билиш кўникмаларини ҳосил қилишлари бўйича талабларга жавоб бермайди (2.3-жадвал).

Қилинган таҳлиллар асосида нофилологик таълим йўналишлари учун таълим йўналиши ва мутахассислик талабларидан келиб чиқсан ҳолда намунавий ва ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир таълим йўналишлари учун ўқув қўлланмалари ва машғулотлар яратилиши бўйича хуносалар қилинди.

§ 2.3. Инглиз тилини ўқитишнинг кластерли ёндашувларга асосланган модулли тизими

Узлуксиз таълим тизимида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни тарбиялаш - Республиkaning жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратишда муҳим аҳамиятга эгадир [8]. Бу ўринда таълим босқичларига мос ҳолда чет тилини ўқитиш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Сўнгги йиллари таълим технологиялари бозорида инглиз тилини ўқитишда жуда кўп таклифлар мавжудлигини инобатта олсак, бу ўринда умумэътироф этилган Европа Кенгашининг “Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” (CEFR) талабларига таянган ҳолда ишлаб чиқиш - кўпчилик мутахассисларнинг диққат эътиборидадир [55].

Тадқиқотларимиз давомида нофилологик таълим йўналиши, хусусан, қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талabalарига иглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитишда модулли тизимга асосланган технология асос қилиб олинди. Бородина ва Смайловалар қайд этганидек, модулли ўқитишнинг ҳозирги замон назарияси ва амалиётида икки хил ёндашувини ажратиб кўрсатиш мумкин [84, 79]:

фан бўйича фаолият ёндашуви;

тизимли фаолият ёндашуви.

Бу ёндашувлар доирасида модул асосида мутахассислар тайёрлашнинг бир қатор концепциялари замирида фаолият ёндашуви ётади ва бу нуқтаи назардан, ўқитиши жараёни тўлалигича ёки муайян фан доирасида, модулли таълим мазмунига мувофиқ касбий фаолият элементларини ўқувчи томондан кетма-кет ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади [74, 72].

ЮНЕСКО манбаларида берилган маълумотларда қайд этилганидек, ўқитишининг модулли технологияси, ўқитишининг қабул қилинган тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ушбу манбаларда қуйидаги тамойиллар модулли ўқитиши технологиясининг асосини ташкил этиши кўрсатиб ўтилган [133]. Булар:

фаолиятлик тамойили;

тенглик, тенг хуқуқлик тамойили;

тизимли квантлаш тамойили;

мотивация (қизиқиши уйғотиш) тамойили;

модуллик тамойили;

муаммолик тамойили;

когнитив визуаллик (кўз билан кузатиладиган) тамойил;

хатоликларга таяниш тамойили;

ўкув вақтини тежаш тамойили;

технологик тамойили;

узвийлик тамойилидир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, айтиш мумкинки, модулга асосланган тизимли ўқитиши негизида қуйидаги мақсадлар кўзланади:

ўқитишининг (фанлар орасида ва фаннинг ичida) узлуксизлигини таъминлаш;

ўкув материалини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;

ўқитиши жадаллаштириш;

фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Шунга кўра тажриба-синов ишларимиз бўйича шакллантирилган модулли тизимда қайд қилинган тамойиллар ва модулга асосланган тизимли ўқитиш асос қилиб олинди.


Яқин ўтмишда инглиз тилини ўқитишда асосан грамматикага эътибор берилар эди. Ўқиши ва матнлар таржимасига, баъзан эса бир хилликни бироз бўлсада жонлантириш учун “топик”ларни ёд олиш ҳамда диктант ёзишга жуда кўп вақт ажратиларди ва мазкур жараён маşaққатли меҳнатни талаб этарди. Бугун тил бозорида асосий таклиф истеъмолчининг талабига қараб шакллантирилмоқда [34]. Лингвистика ва хориж тилларини ўқитиш методикаси бўйича мутахассислар фикрича, бугунги кунда тилни ўқитиш функционаллашиб, интеграция жараёнларининг кучайиши натижасида хориж тиллари, хусусан, инглиз тилини ўрганиш янада долзарблашди [10, 15, 16, 17, 71, 22, 63, 122, 86, 111, 104, 101, 117].

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирда инглиз тилини ўрганаётган талabalарга бир неча методлар таклиф этилмоқда. Улардан бири – фундаментал методдир. У камида 2-3 йиллик ўқиши, грамматикани чуқур ўрганишни тақозо этади. Ушбу метод, асосан, профессионал таржимонларни тайёрлашда қўл келиб, ўқиши якунида талabalар дунёга “native speaker”, яъни тил эгасининг (ташувчисининг) кўзи билан қарашга эришадилар. Унинг асосида тил реал ва тўлиқ мулоқот воситаси сифатида ўрганилади [113]. Ҳозирда фундаментал метод ўз мақсадини ўзгартирмаган, аммо бошқа кўплаб методлар айнан фундаментал метод билан рақобат майдонига чиқишиган. Ана шулардан бири – лингвосоциомаданий методдир. Мазкур метод тилни ижтимоий ва маданий мухитда ўрганишни тақозо этади [87].

Лингвосоциомаданий метод икки турдаги мулоқотни қамраб олади. Бу тил ва маданиятлараро мулоқотдир. Олий ўқув юрти талабаси нафақат инглиз тилида ўқиши, ёзиши ва таржима қилишда юқори босқичларни эгаллаши, балки инглиз тилини ўзга халқ маданияти ракурсида кўра олишни ҳам ўрганиши лозим. Инглиз тили ўқитувчиши тил ўргатиш жараёнида айнан шу жиҳатларга эътиборни кучайтириши керак [75].

Инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўргатиш бўйича олиб борган тадқиқотларимизда эса олий таълимда ҳар бир мутахассислик йўналишларига мос ҳолда яратилган дастурлар асосида ўргатиш билан тавсифланади.

Тадқиқотларимиз давомида қишлоқ хўжалиги таълими йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитиш модулли тизимда 5 та босқичга асосланди. Ушбу модулли тизимга асосланган 5 та босқич мазмунан қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши ўқув режаси бўйича ўқитиладиган фан дастурларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилди. Бунда хорижий тилни мутахассисликка мос ҳолда ўрганишга бўлган эҳтиёж таҳлили натижаларига (needs analysis) ҳамда бўлажак қишлоқ хўжалиги йўналиши мутахассислари бажара олиши (can-do statements) мумкин бўлган машқлар яратилди. Бу инглиз тилида талаб этиладиган ижтимоий мулоқот қилиш, профессионал ва илмий кўникмаларни қамраб олади ва қўйидаги 2.3-расмдаги тизим асосида шакллантирилди (2.3-расмга қаранг) [46]:



2.3-расм. Тил кўникмаларини шакллантириш тизими

Шунга кўра модулли тизим инглиз тилида мулоқот қилиш (General English), мутахассислик бўйича манбаларни инглиз тилида таърифлаш (Introduction to the agrarian sphere), мутахассислиги бўйича фикрини айта олиш ва мулоқот қилиш (Communicating in agroindustrial sphere), қишлоқ хўжалиги бўйича хорижий манбаларни ўзлаштира олиш ва дунёқарашини

кенгайтириш (Developing agroindustrial outlook), соҳа янгиликлари ва технологиялари ҳақида инглиз тилида маълумотлар бериш (Integration of education and production) каби жиҳатарга эга бўлиши назарда тутилган (2.4-жадвалга қаранг):

2.4-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги таълими йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг модулли босқичлари

Module number	Modules (General themes)	Hours
	General English	126
	Introduction to the agrarian sphere	126
	Communicating in agroindustrial sphere	126
	Developing agricultural outlook	126
	Integration of education and production	126
Total:		630

Бу кетма-кетликда модулли ўқитиш кластерли ёндашувларга асослангандир. Ушбу кластерли ёндашувга асосланган инглиз тилини ўқитиш тизимининг асосий мақсади – қишлоқ хўжалиги таълими йўналишидаги талабаларга инглиз тилини касбий соҳасига мос ҳолда ўргатишдан иборатдир.

Ушбу кластерли ёндашувларга асосланган ҳолда инглиз тилини ўқитишдан қўзланган мақсад CEFR (Common European Framework of Reference) нинг B2 даражаси ҳисобланади. Республикаизда инглиз тилини ўқитиш мактабгача таълим муассасасидан бошлаб ўқитилиши белгилаб қўйилган. Олий таълим муассасаларига қабул қилинадиган талаба инглиз тили даражаси CEFR бўйича B1 даражаси этиб кўрсатиган бўлсада, шунга қарамасдан, кўплаб талабалар Олий таълим муассасаларига инглиз тилининг нисбатан паст даражаси билан келишади. Шунга кўра, биринчи модулдаги кўплаб вазифалар A2 даражасида берилган. Ушбу кластерли ёндашувга асосланган инглиз тилини ўқитиш тизими тилни ривожлантиришга қаратилган, аммо баъзида тил билиш ва касбий малакалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Модул тизимида инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитишнинг асосий мақсади талабани хорижий тилни ўрганишга бўлган қизиқишини пайдо қилиш ва мутахассислиги бўйича халқаро миқёсдаги дунёқарашини шакллантиришга йўналтиришдан иборат. Бунда хорижий тилни ўрганувчи талабанинг қизиқишини пайдо қилувчи асосий мезонлардан бири жуфт ёки груп бўлиб ишлаш, фикр алмашув фаолиятини рағбатлантиришdir. Бу усул кўпинча интерфаол усул ёки метод деб ҳам юритилади. Дидактикада метод ўқитувчининг ўқувчилар билан иш олиб бориши усули сифатида изоҳланади. Улар материални оғзаки айтиб бериш (ҳикоя қилиш, тушунтириш, маъruzа), дарслик билан ишлаш, лаборатория ишларини бажариш, машқлар, ижодий ишлар ва бошқаларни ўз ичига олади [102].

Интерфаол усуллар - ўқитувчининг талабалар билан, талабанинг талаба билан, таълим жараёнининг барча субъектлари билан фаол ўзаро фикр алмашувларини кўзда тутади. Интерфаоллик мультимедиали воситалар орқали ҳам ташкил қилиниши мумкин. Интерфаоллик даражаси қанчалик юқори бўлса, таълим жараёни шунчалик натижали бўлади [97].

Бугунги кунда хорижий тилларни эгаллашда кўплаб методлар, усуллар, ва ёндашувлар тақдим этилган. Ҳозирга замон чет тиллар ўқитиш методикасида *таълим методлари* тушунчаси ўқитувчининг муайян мавзу бўйича тил ўрганувчилар ўқув фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришдаги, билимларни оптимал ўзлаштиришга йўналтирилган фаолиятининг концептуал қоидалари маъносида қўлланилади [73].

Таълим усули дейилганда эса, белгиланган таълим мақсадига эришишни таъминловчи ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришнинг умумий йўллари тушунилади [73].

Таълимни инновацион ёндашув асосида ташкил этиш – илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, таълимда замонавий

технологиялардан фойдаланиш, ўқитишининг шахсга йўналтирилган технологиялар асосида амалга оширилиши назарда тутилади [119].

Келтирилган маълумотларни инобатга олган ҳолда, хорижий тилларни ўқитишда *кластерли ёндашув* – нофилологик таълим йўналиши талабаларига хорижий тил, ҳусусан, инглиз тилини ўқитишини касбга йўналтирилганлик ва мутахассисликка мос ҳолда ташкил этишдир. Бу бўлажак мутахассисни ўзининг фанига ҳамда хорижий тилларни эгаллашга бўлган иштиёқини оширишга хизмат қиласи ва ҳукуматимиз қўйган талабларини яъни, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимида асосий рол йўйайди. Бу ўринда инглиз тили ҳар битта таълим йўналишида кординатор ва мувофиқлаштирувчи бўлиб хизмат қиласи. Яъни, хорижий маълумотлар билан маҳаллий маълумотлар ўртасида алоқа вазифасини бажаради. Инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида, мутахассисликларга мос ҳолда ташкил этиш ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ҳам тилни ҳамкорликда ўрганишга бўлган қизиқишини ортишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда кенг фойдаланиладиган кластер методининг кластерли ёндашувдан фарқи шуки, кластерли ёндашув шахсга йўналтирилган ёндашув асосидаги ўқитиши технологияси ҳисобланиб, ўз таркибига методлар, усуллар, муаммоли ўқитиши, модулли ўқитиши тизимини қамраб олади. Кластер методи эса, ушбу ёндашувда кенг кўлланиладиган, тил ўрганувчиларни мантикий фикрлаш, умумфикарлаш доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адбиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган усулдир [115].

А.К.Кўчибоев, Г.Б.Рогова, А.В.Конышева, И.Л.Бим, Б.Ю.Ходиев [119; 96; 100; 95; 93; 82; 80; 78; 83; 93; 89; 92] каби олимларнинг турли методлар тўғрисидаги фикрларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги усуллар танлаб олинди ва келтирилган 5 та модул бўйича нофилологик таълим йўналиши, ҳусусан, қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишини пайдо қилиш ва мутахассисликларига мос ҳолда ўқитиши

бўйича ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиш турлари ва ўкув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан тўрт гурухга ажратдик:

- 1) инглиз тилини ўрганиш давомида ҳосил бўлган дастлабки тушунчаларни ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;
- 2) хотирада қолган билимларни, мутахассислигига мос ўрганилган сўз ва тушунчаларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, билим ва кўникмаларни таъминловчи усуллар;
- 3) ўзлаштирилган билимларни муҳокама қилишга, қисман изланишга йўналтирилган, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни қўллашни таъминловчи усуллар;
- 4) ўзлаштирилган билимларни эркин нутқ вазиятларида қўллашни таъминловчи усуллар.

Танланган таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш жараёнида олиб борилган тажрибалар натижалари асосида ҳар бир гурух учун алоҳида усулларни танладик ва уларни хорижий тилларни ўрганишда фойдаланиш учун тавсия этдик.

Биринчи гурух усуллари.

1. Монологик усул. Усулнинг асосий вазифаси – сўз ва иборалар тўғрисида тушунчалар бериш ҳамда улардан оғзаки нутқларда фойдаланишга ўргатиш [114].

Инглиз тилини ўргатиш учун танланган гурухларда ушбу усул самарадорлик кўрсаткичларига кўра ижобий натижалар берди.

2. Тушунтириш (ҳикоя) усули. Бу машғулотларда қўлланилувчи универсал усулдир. Ушбу усул тажрибалар олиб борилган гурухларда воқеа, ҳодиса, ўкув материалига оид тушунчалар сўз ва ҳаракатлар билан таъсирчан хабар бериш ёки ҳикоя қилиш билан амалга оширилди. Бу талабаларнинг қизиқишини пайдо қилишга сабаб бўлди [101].

3. Йўриқнома бериш усули. Йўриқнома талабаларга берилган вазифаларни қандай такрорлаш ва эсда қолиши учун қанақа ҳаракатларни амалга ошириш каби топшириқлар билан ифодаланди. Бундай йўриқномалар

талабаларнинг кундалик ўқув фаолиятларига асосланган ҳолда берилганлиги сабабли берилган вазифаларни 80-85% га бажарилиши билан ижобий хуносалар ҳосил қилинди. Йўриқнома бериш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади [112]:

талабаларга бажариладиган вазифалар бўйича якуний натижага эришиш йўлларини кўрсатиш;

топшириқни бажариш қоидасини ва бу жараёндаги тизимлиликни, алоҳида ҳаракатлар ва усувлар билан тушунтириш;

топшириқни бажаришда рўй берадиган қийинчиликлар ва хатоликларни олдиндан кўрсатиш;

топшириқни бажаришга қийналаётган талабалар фаолиятини тўғрилаш;

ҳар бир талаба ишини назорат қилиб бориш;

топшириқнинг бошқа турларини бажариш жараёнида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилиш.

Олиб борилган тажрибалар давомида йўриқнома оғзаки, ёзма, кўргазмали ва аралаш шаклларда бериб борилди.

4. Намойиш усули обьект ва ҳодисалар, жараёнлар кўргазмали-хиссий таъсир орқали тушунтирилиши билан ижобий натижаларга эришилди.

Намойиш ўрганилаётган обьектни ёзув тахтасида схемали расм чизиш ёки кўрсатиш, чизмалар чизиш, тайёр расм ва слайдларни кўрсатиш орқали ташкил қилинди.

Намойиш усулидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор берилди:

намойиш обьектларини танлаш;

талабалар эътиборини намойиш қилаётган ҳодисанинг муҳим томонларига йўналтириш;

намойиш қилинаётган обьект талабаларга кўринарли бўлишлигини, уни барча сезги аъзолари орқали қабул қилинишини таъминлаш;

талаба эътиборини имкони борича ўрганилаётган обьектнинг муҳим томонларига жалб этиш;

талаба ва талабаларни ўрганилаётган объект сифатларини мустақил баҳолашга ўргатиш [102].

5. Кўрсатиш усули нарса, жараён ва ҳодисалар талабаларга тасвирий кўринишда кўрсатиш ва улар англатадиган маъно-мазмунни таржимасиз тушунишларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади [102].

Кўрсатиш воситалари сифатида схемалар, жадваллар, расмлар, суръатлар, албомлар, хариталар, имо-ишоралардан фойдаланилди.

6. Видеоусул ўқув материалига доир ахборотни, расмларни, иш ҳаракатни таълимнинг техник воситалари: проектор, ўқув телекўрсатувлар, шунингдек, кино, видео, ахборотни дисплей орқали акс эттирувчи компьютерлар орқали ташкил қилинди. Видеоусулдан шунингдек, талабаларнинг машғулотдан кейинги мустақил ишларини ташкил қилишда ҳам кенг фойдаланилди [103]. Масалан, талаба экрандан кўрсатилаётган саволга мустақил равища жавоб ёзиши (айтиши), тест саволларини ишлаб, ўз-ўзини текшириши мумкин. Бу усулдан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда ҳам кенг фойдаланилди.

Иккинчи гурух усуллари

1. Китоб билан ишлаш усули. Машғулотларда талабаларнинг қизиқишини ошириш, эсда сақлаш ва қўнималарни мустаҳкамлаш мақсадида китоб билан ишлаш усулига алоҳида эътибор берилди. Китоб билан ишлаш қўйидагича ташкил қилинди:

амалий машғулотларда топшириқларни гурух бўлиб бажариш;
берилган адабиётлар билан кутубхонада мустақил ишлаш;
берган вазифани уйда мустақил бажариш [102].

2. Лаборатория усули. Бу усул орқали талабалар ўқув лабораториясида (лингофон ёки компьютерда) ёки мустақил равища берилган режа бўйича амалий топшириқларни бажариб, ўргангандарини мустаҳкамлашлари билан тавсифланади [118].

Усулнинг вазифалари – ўрганилган билимларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўлиб, қўйидаги мақсадларда уюштирилди:

техник воситалар билан ишлаш кўникма ва малакаларини эгаллаш;

ўрганилган билимларни текшириш ва мавзу бўйича мустақил изланиш йўлларини танлаш;

амалий малакаларни эгаллаш: ўқув материалини она тили билан қиёслаш, асосли хуносаларга эришиш; натижаларни текшириш ва қайта ишлаш.

3. Машқ усули. Талабаларнинг инглиз тилида ўрганган материалларини амалиётда қўллашини ташкил этиш учун қўлланилди. Усул вазифаси – кўникмаларни амалиётда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат [120].

Машқлар қўйидаги турларда амалга оширилди:

максус машқлар (талафғузни, гапиришни, тинглаб тушиниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантирувчи машқлар);

матнни таҳлил қилиш ва шарҳлашга оид машқлар;

ёзма бажариладиган машқлар (бундай машқлар коммуникатив ёндашувда талабалар томонидан уйга вазифа сифатида бажарилди;

оғзаки, мулоқот қилишга йўналтирилган машқлар (бундай машқлар коммуникатив ёндашувда мулоқот топшириқларини жуфт ёки гурух бўлиб ишлаш орқали ташкил қилинди).

Учинчи гурух усуллари

1. Суҳбат усули. Машғулотларда талабаларнинг ўрганилган лексик, грамматик, мулоқот материали бўйича ўзаро фикр алмашув, мунозара ва баҳсга киришув, бу орқали янги билимларни узатиш, нутқий ҳаракатларга ўргатиш мақсадида қўлланилди. Суҳбат усули икки хил мақсадда уюштирилади: 1) талабаларда ўрганилаётган масалаларга муносабат билдириш; 2) сўзлашув амалиёти машғулотларида ўрганилган нутқ мавзуси бўйича эркин фикр алмашувга ўргатиш [131]. Бу барча гурухларда талабаларнинг ўз фикрларини айтишга ҳаракат қилишлари билан ижобий ҳолатлар кузатилди.

Машғулотларда сұхбат нұтқ мавзуси бўйича тузилган топшириқлар воситасида, жуфтликлараро, гурухлараро ташкил қилинди. Ўқитувчига тақлид қилиб, жуфт бўлиб ўзлаштириладиган топшириқларни бажаришда аудиовизуал, экстравистик, эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланиш, сұхбатнинг тушунарлилигини, қизикарлилигини таъминлади.

2. Бахс (мунозара) усули. Бу усул машғулотларда аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, мұхокама шаклида амалга оширилиши билан тавсифаланади [121].

Бу усулдан қуйидагилар назарда тутилган эди:

тил ўрганувчиларда у ёки бу саволларни чукур ўйлаб кўришни, уларнинг моҳиятини тушунишни таъминлаш;

талабаларни далиллар ва уларга асосланган хulosалар орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатиш;

ўзаро фикр алмашинув кўникмаларини шакллантириш;

талабаларнинг шахсий фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишига ёрдам бериш.

Мунозара эркин вазиятда уюштирилди. У фақат ўзлаштириш лозим бўлган мавзу ва саволларга тааллуқли бўлишига эътибор берилди.

3. Ақлий ҳужум усули. «Ақлий ҳужум» усули машғулотларда талабаларни фаоллаштириш ёки амалий машғулотларда мавзу бўйича фикр билдириш, билдирилган фикр ва мұлоҳазаларни тўплаб мұхокама қилиш ва тўғри ечимни топишга йўналтириш мақсадида кўлланилди.

Ақлий ҳужум ёзма ва оғзаки шаклда амалга оширилади [115]. Бу усул талабаларни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга йўналтириши билан ижобий натижалар кузатилди.

4. Инсерт усули. Бу усул матнни мустақил равища таҳлил қилиш, бу жараёнда ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш, ўқув материалини мустақил равища мустаҳкамлашнинг самарали усули сифатида фойдаланилди. Бунинг учун талаба матнни таҳлилий ўқиб тушуниш ва ахборот олиш жараёнида матнга қуйидаги маҳсус белгиларни қўйиб боради [44]:

- (v) - мен биламан деган фикрни тасдиқловчи белги;
- (+)- янги ахборот белгиси;
- (-) - менинг билганларимга зид белгиси;
- (?) - мени үйлантириб қўйди, бу ҳақда менга қўшиимча ахборот керак белгиси.

5. «Зинама-зина» усули. Зинама-зина усули талабаларни ўрганилган ёки ўрганилиши лозим бўлган мавзу бўйича якка ҳолда ёки гурух бўлиб эркин, мустақил фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, ўрганилган материални хотирлаш, фикрларни умумлаштириб, улардан назарий ва амалий хulosаларга келиш, гурух аъзоларига ўз фикрларини билдира олиш, тушунчаларга изоҳ бериш, эгалланган билимларни амалда қўллай олиш мақсадида ташкил қилинди. Унинг бош мақсади аввал ўрганилган мавзу бўйича гурух бўлиб ахборот тўплаш ва уни ёзма ифодалашга ўргатишdir [132].

Тўртинчи гурух усуллари

1. Гурух бўлиб ишлаш усули. Талабаларнинг машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида ушбу усулдан фойдаланилади [99]. Усулни қўллаш жараёнида ҳар бир талаба учун мунозарада қатнашиш фаоллиги ортди. Бунда талабаларнинг гуруҳчаларда бир-бирларини қўллаш, ўзаро фикр алмашиш ва ҳар бир талаба гуруҳчасидан ортта қолмасликка ҳамда гуруҳчасини ғолиб бўлишига ҳаракат қилиши билан тилни ўзлаштиришга ҳаракат қилиши кузатилди. Бу усулдан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор қаратилди:

- Гуруҳчаларни шакллантириш. Гуруҳчалар аъло, яхши, ўрта ва нисбатан паст ўзлаштирувчи талабалардан ташкил қилинди. Ҳар бир гуруҳчада 4-5 нафардан талаба бўлишига эътибор берилди. Гуруҳчаларда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянилди (мисол учун, бир талаба муҳокамани бошқарди, иккинчиси ёзиб борди, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтади ва ҳоказо). Аудиторияни гуруҳларга ажратиш, хоҳиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилди.

2. Талабаларга аниқ тушунтиришлар берилди ва вақт белгиланди. Гурухчалар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланди.

3. Талабалар кичик гурухчалар ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича зарурый билим, кўнкма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари эътиборга олинди.

4. Гурухчалар ёнига навбатма-навбат келиб, тўғри йўналишда ишлаётганлиги кузатиб борилди ва керакли ўринларда йўлланмалар берилди.

5. Гурухчаларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот бердилар. Бунинг учун ҳар бир гурухча ўз вакилини белгилади. Гурухчаларда ишлаш натижалари машғулот охирида баҳоланди. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланди.

2. Жуфт бўлиб ишлаш усули. Хорижий тилда жуфт бўлиб ишлашни ташкил қилишнинг асосий мақсади ўрганиладиган нутқ материали бўйича ўзаро фикр алмашувга, мулоқотга ўргатишdir [91]. Мулоқотни ўргатиш коммуникатив топшириқлар орқали ташкил қилинди. Коммуникатив топшириқ муайян бир мавзу асосида тузиладиган, жуфт бўлиб ишлаб, кўп марталик такрор асосида ўзлаштиришга мўлжалланди. Бунда, биринчи талабанинг саволига иккинчи талаба томонидан талаффуз тақлидига, аудио-визуал, экстравангвистик ва емоционал таъсир воситаларига таяниб жавоб беришга асосланган кичик микродиолог сифатида ташкил қилинди. Бунда талабаларнинг ўзаро бир-бирларини баҳолаш ва нутқларини тўғрилашга эришлари билан ижобий натижаларга эришилиши кузатилди.

3. Кейс-стади усули. Таълим бериш вазияти- **кейс-стади** (case-инглиз.-тўплам, аниқ вазият, study- ўрганиш) – усули ҳаётий вазиятларга асосланган лисоний воситалардан фойдаланиб ўз фикрини ифодалашни кўзда тутади [128].

Кейс стади усулини қўллашда аутентик материалларда ифодаланувчи аудио, видео ва электрон воситалардан кенг фойдаланилди.

Ушбу қайд этилган усуллардан фойдаланишда аутентик материалларни қўллаш чет тилини ўрганишни ҳақиқий ҳаётга боғлайди. Бу усул таълим

олувчиларга вазиятни ташхис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниклаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича ўз нутқий фаолиятларини аниқ босқичларни лойиҳалашга, амалий фаолиятларини моделлаштиришга ёрдам беради [90]. Масалан, талабаларга “Soil” мавзуси учун “Newspaper advice column” аутентик материали тайёрланди.

Culti Advice

Dear Green Thumb

My tomatoes are dying. They get plenty of sun and water. What am I doing wrong? – Aziz Aliev.

Dear Aziz Aliev

Check the soil. Tomato roots need the right amount of water and air. They do not do well in sand or clay. Both have the wrong soil structure. Sand particles are too loose to hold enough water. Dense clay prevents aeration. You need a soil texture

In between those extremes. Loam with high silt is usually goxy.

The other issue is nutrients. A soil’s parent material determines what nutrients are in it. You can improve the nutrients by adding humus..

Ушбу мавзуга яратилган аутентик материал асосида машқлар берилиб, талабаларга “Soil” мавзуси ўтилди. Аутентик вазифалар бўйича кўрсатмалар жуда аниқ бўлишига эътибор берилди. Масалан,

Activity 1

Read the newspaper advice column. Then, mark the following statements as true (T) or false (F)

1. ___ Tomatoes grow well in clay.

2. ___ Aeration does not occur in clay.

3. ___ Humus adds nutrients to soil.

Activity 2

Match the words (1-6) with the definitions (A-F)

1. ___ soil

2. ___ sand

3. ____ silt
4. ____ soil texture
5. ____ parent material
6. ____ dense
 - A.a material made of small pieces of rock and material
 - B.a material that is deposited by water
 - C.rock and minerals that eventually from soil
 - D.a layer of material that plants grow in
 - E.the size of particles in a soil
 - F.having a lot of material in a small space

Activity 3

Listen and read the newspaper advice column again. What do you need to take into consideration when planting tomatoes?

Provide your ideas in groups.

Аутентик материаллар бўйича кўрсатма ва бериладиган машқларнинг ҳам аниқ бўлиши талабаларнинг эътиборини жалб қилишга сабаб бўлди. Сабаби, тил ўқитиш ҳамда ўрганишда машқлар муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларга чет тилни ўқитишда машқларнинг роли бир қатор таниқли хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган. [103, 60, 113, 78, 59, 127, 57, 58, 124, 123]

М.Джусупов, Ж.Жалолов, Х.Асалов, К.Ушинский, Е.Пассов каби методист олимлар томонидан таклиф этилган турли хилдаги машқлар тизими ўрганиб чиқилди

К.Д.Ушинский таъкидлаганидек, машқларнинг маълум тизим ҳолида бўлиши уларнинг муваффақиятли қўлланилишининг энг биринчи ва асосий хусусиятидир. Машқ ва топшириқларнинг кўп сонли бўлиши ва бу ўз навбатида кўп вақт давомида бажарилиши ҳамда машқларнинг талаба-ўқувчи даражасига қараб танланмаганлиги машқлар тизимининг камчилиги бўлиб, бу чет тилларни ўрганиши учун тузилган машқлар тўплами кутилган натижага бермаслигининг асосий сабабидир. Чет тили ўқитишда қўлланиладиган

машқларнинг айрим турлари қанчалик самарали бўлса, улар шунчалик тил ўргатишининг тўлиқ муваффақиятли кечишини таъминлайди [125].

М.Джусупов рус тилини ўргатиш методикасида машқлар системасини уч турдаги топшириқларга бўлган: тил системаси, тил динамикаси, ҳақидаги билимларни, нутқ фаолиятидаги малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган топшириқлар. Уч турдаги ҳар бир машқни яна иккига: тайёрлов ва асосий машқларга бўлган. Биринчи ва иккинчи турдаги машқларни тайёрлов машқларига, учинчи турдагисини асосий машқ турига бўлган [89].

Ж.Жалолов машқлар системаси ҳақида шундай дейди: “Чет тили ўрганишни машқлар бажаришдан иборат жараён дейилса, муболаға ёки хато бўлмайди. Бу машқнинг динамика (харакат) тарафи. Унинг статика (ҳолат) жиҳати - дарсликда ўқув материали тарзида ташкил этилганидадир” [59]. У машқлар системасини кичик системалар йиғиндиси деб ҳисоблайди ва машқларни турли системаларга бўлади. Жумладан:

нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушиниш, ўқиш ва ёзув) машқлари;

тил материаллари (лексика, грамматика, талаффуз) машқлари;

билим, кўникма ва малака бериш машқлари;

информацион ва операцион машқлар;

нутқни эгаллаш хусусиятига кўра эса рецептив ва репродуктив нутқ машқлари.

Машқ ўқув машғулотининг алоҳида тури бўлиб, улар ёрдамида берилган билимлар асосида ўқувчиларда тегишли малака ва кўникмалар шакллантирилади. Тил таълимида машқларнинг ўрни жуда катта. Тил тизими ўзининг кўп қирралиги, бирликларининг структурал ва функционал хусусиятларига кўра ўзаро боғлиқлиги билан ажралиб турадиган ҳодиса, шу боис тил таълимидаги машқлар ҳам турли-туман кўринишга ва тузилишга эга бўлади. Она тили таълимидан фарқли равишда бошқа тилни ўрганиш жараёнида бажариладиган машқларнинг асосий қисми мулоқот кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, кейинги пайтларда

бундай машқларни айрим методистлар нутқи машқлари ва тил машқларига ажратиши тавсия этмоқдалар [107].

Тил машқлари тил тизимиға оид материални ўзлаштириш ва уни нутқда қўллашга тайёрлаш учун хизмат қиласди, нутқий машқлар ўқувчини ўз фикрини бошқа тилда ифодалашга ва бошқалар фикрини тушунишга ўргатади [44].

Машқларни муайян изчилликда оддийда мураккабга, осондан қийинга қараб такомиллаштириб боришга интилиш таълим ислоҳотида аввалдан ҳам мавжуд эди. Жумладан, X.Асалов талаба-ўқувчилар нутқини ўстиришда савол-жавобдан фойдаланишни қуидаги тарзда изчил ривожлантириб боришни тавсия етган эди: расмга қараб савол бериш, бирор буюмни тасвириллаш юзасидан ўтказиладиган диалоглар, ўрганилган матн юзасидан ўтказиладиган диалог, ўқитувчи томонидан белгиланган мавзу юзасидан ўтказиладиган диалог, инссеровка типидаги диалог ва ҳ.к. [76].

Маълумки, жаҳон тажрибасида чет тил таълимида коммуникатив ва нокоммуникатив машқлар турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Е.И.Пассов фикрича, коммуникатив машқлар ҳақиқий ёки шартли мулоқот вазиятини юзага келтиришни талаб этади. Ҳақиқий коммуникатив машқлар мулоқот пайтида юзага келади [112].

Юқоридаги олимларнинг машқлар тизими тўғрисидаги ёндашувларини ўрганиб чиқкан ҳолда, қишлоқ хўжалиги йўналиши талабаларига инглиз тилини кластерли ёндашувга асосланган ҳолда мутахассисликларига мос ҳолатда ўқитишида қуидаги тамойилларга амал қилинди:

талabalар учун ўқув материалини танлашда аутентликка ургу бериш;

мавзуга доир танланган аутентик материаллар асосида нутқ фаолияти турларини (гапириш, тинглаб тушиниш, ўқиш ва ёзув) ривожлантиришга қаратилган машқлар ишлаб чиқиш;

талабаларнинг мутахассисликларига мос мавзуларини инглиз тилида ўзлаштиришга қаратилган машқ ва топшириқлар замонавий педагогик технологиялар асосида коммуникатив ёндашувни қўллаш;

талабаларга кластерли ёндашувга асосланган тизим асосида умумий инглиз тили (General English) ҳамда умумий қишлоқ хўжалиги йўналишини (Introduction to the agrarian sphere, Communicating in agroindustrial sphere, Developing agricultural outlook, Integration of education and production) ни эгаллашда хизмат қилувчи машқлар тизимини оддийдан мураккабга қараб ўсиб бориш тамойилини асослаш;

талабалар билимини баҳолашда ҳар бир модул учун форматив ва самматив баҳолаш машқларини ишлаб чиқиши.

2 боб бўйича хulosалар

1. Олий таълимда ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасалар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий гуманитар тизимлари билан боғлиқ бўлган уч хил таълим йўналишлари асосида мутахассислар тайёрланади. Бу 3 та тизимни 3 та йирик кластер сифатида баҳолаш мумкин.

2. Ишлаб чиқариш ва муассасалар тизими кластери ушбу тизимдаги мавжуд олий таълим муассасалари ва улар базасидаги мавжуд кафедра, лабораториялар, институтлар, мараказлар; шу тизим йўналишидаги ишлаб чиқариш корхоналари, муассасаларни қамраб олади.

3. Соғлиқни сақлаш тизими кластерига ушбу тизимдаги мавжуд олий таълим муассасалари ва улар базасидаги клиникалар, соғлиқни сақлаш муассасалари, лабораториялар, тиббиёт институтлари, тадқиқот ва даволаш мараказларини ташкил этади.

4. Ижтимоий гуманитар ва иқтисодиёт тизими кластерига ушбу тизимдаги мавжуд олий таълим муассасалари ва улар базасидаги илмий марказлар, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқ тартибот ташкилотлари, иқтисодиёт тармоқларини ташкил этади.

5. Кластерли ёндашув асосида хорижий тилни ўрганиш асосида юқори кўрсаткич ва муваффақиятларга эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун хорижий тилларни ўқитишида, қўлланма ёки кўрсатмалар тайёрлашда

кластерли ёндашувга асосланган ҳолда тегишли мутахассисликларга мос равишда тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

6. Узлуксиз таълим тизимида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни тарбиялаш - республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўринда таълим босқичларига мос ҳолда чет тилини ўқитиш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

З БОБ

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ ТАЖРИБАСИ ВА САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

§ 3.1. Қишлоқ хўжалиги таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг инглиз тилини билиш даражаси таҳлили

Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилини билиш даражасини аниқлаш учун тадқиқотлар олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги таълим йўналишларида олиб борилди. Тадқиқот натижаларининг ишончлилик кўрсаткичларига эришиш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети (ЎзМУ) Биология ва Тупроқшунослик факультетининг тупроқшунослик таълим йўналишида, Гулистон давлат университети (ГулДУ) табиий фанлар факультетининг Анорчилик таълим йўналишида, Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали Андижон Қишлоқ хўжалиги институти Аграномия таълим йўналишларида (АҚХИ) олиб борилди.

Яратиладиган дастурлар ҳамда ўтказиладиган машғулотлар таълим йўналиши ва мутахассислик талабларидан келиб чиқкан ҳолда кластерли ёндашувлар асосида ташкил қилиниши бўйича тадқиқотлар режаси ишлаб чиқилди. Бунинг учун машғулотларни ҳамда талабалар ва нофилологик таълим йўналишларида чет тили бўйича машғулотлар ўтказаётган ўқитувчилар орасида анкета сўровлари ўтказилди.

Сўровномада жами 492 нафар респондент (42 нафар ўқитувчи, 450 нафар талаба) иштирок этди. Анкета сўровномалари талабалар учун алоҳида, ўқитувчилар учун алоҳида тузилган саволномалар асосида ўтказилди.

Талабалар орасида ўтказилган анкета сўровномалари тажрибалар бошланишидан олдин ва тажрибалар натижаларини таҳлил қилиш давомида ўтказилди.

Биринчи босқичда (2017 йилнинг иккинчи ярми, 2017-2018 йий.) тадқиқот иши мавзусига доир дидактик, илмий-методик адабиётлар, ўкув-

услубий таъминот ўрганилди. Шунингдек талабалар ва ўқитувчилар орасида анкета-сўровлари ўтказилди, тажриба ва назорат гурухлари шакллантирилиб кластерли ёндашувларга асосланиб ишлаб чиқилган машқлар тажриба гурухларида олиб борилди. Назорат гурухларида эса амалдаги дастур бўйича дарслар олиб борилди.

Ушбу босқичда энг аввало талабаларнинг инглиз тилини билиш кўрсаткичлари уларнинг саволларга берган жавоблари асосида таҳлил қилинди. Саволларга жавоб олиш учун 3 та олий таълим муассасаларидан 136 нафар талабалар жалб қилинди. Бунда ушбу тузилган саволлардан фойдаланилди:

1. Инглиз тилини қандай даражада биласиз?
 - а) эркин мулокот қила оламан
 - б) лугат ёрдамида таржима қиласман
 - с) тушунаман, лекин гапира олмайман
 - д) умуман ҳеч нарса билмайман
2. Инглиз тилини ўрганишга қизиқишишингиз?
 - а) тез ўрганаяпман ва адабиётлардан фойдаланишим осонлашацияти
 - б) қийналаяпман, лекин ўрганишга ҳаракат қиласман
 - с) ўрганишга ҳаракат қиласман, лекин тез эсимдан чиқиб кетаяпти
 - д) умуман ҳеч нарса тушунмаяпман
3. Инглиз тили машғулотлари сизни қониқтирадими?
 - а) ха, тилни тез ўрганишим учун фойдали
 - б) ҳаётин мавзулардаги сўзлар эсимда қолади, лекин ўрганиш қийин
 - с) мутахассислик фанларига оид машғулотларда қўлланиладиган сўзлар эсимда қолади
 - д) умуман ҳеч нарса тушунмайман

Биринчи саволга, яъни “Инглиз тилини қандай даражада биласиз?” мазмундаги саволга

- а) эркин мулокот қила оламан, деган жавобни Ўзбекистон Миллий университетининг 46 нафар талабаларидан 4 нафари (8,7%), Гулистон давлат

университетининг 52 нафар талабаларидан 3 нафари (5,8%), Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалининг 38 нафар талабаларидан 1 нафари (2,6%) белгилашди.

б) луғат ёрдамида таржима қиласман, деган жавобни Ўзбекистон Миллий университетининг 46 нафар талабаларидан 8 нафари (17,4%), Гулистон давлат университетининг 52 нафар талабаларидан 8 нафари (15,4%), Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалининг 38 нафар талабаларидан 5 нафари (13,2%) белгилашди.

с) тушунаман, лекин гапира олмайман, деган жавобни Ўзбекистон Миллий университетининг 46 нафар талабаларидан 21 нафари (45,7%), Гулистон давлат университетининг 52 нафар талабаларидан 23 нафари (44,2%), Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалининг 38 нафар талабаларидан 15 нафари (39,5%) белгилашди.

д) умуман ҳеч нарса билмайман, деган жавобни Ўзбекистон Миллий университетининг 46 нафар талабаларидан 13 нафари (28,3%), Гулистон давлат университетининг 52 нафар талабаларидан 18 нафари (34,6%), Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалининг 38 нафар талабаларидан 17 нафари (44,7%) белгилашди.

Худди шунга ўхшаш ҳолда иккинчи, учинчи ва бошқа саволларга талабаларнинг жавоблари таҳлил қилинди (3.1-3.2-жадвалларга қаранг):

3.1-жадвал.

Талабаларнинг инглиз тилини билиш даражалари (тажриба-синов ишлари ўтказилишидан олдин)


ОТМ ва иштирок этган талабалар сони		Эркин мулокот қила оламан	Луғат ёрдамида таржима қиласман	Тушинаман, лекин гапира олмайман	Умуман ҳеч нарса билмайман
ЎзМУ	46	8,7%	17,4%	45,7%	28,3%
ГулДУ	52	5,8%	15,4%	44,2%	34,6%
АҚХИ	38	2,6%	13,2%	39,5%	44,7%

3.2-жадвал.

**Талабаларни инглиз тили машғулотлари қониқтириш ҳолати ва
ўрганишга бўлган қизиқишлари (тажриба-синов ишлари
ўтказилишидан олдин)**

ОТМ ва иштирок этган талабалар сони		ха, тилни тез ўрганиши м учун фойдали	ҳаётий мавзуларга оид сўзлар эсимда қолади, лекин ўрганиш қийин	мутахассислик фанларига оид машғулотларда қўлланиладиган сўзлар эсимда қолади	умуман хеч нарса тушинмай ман
ЎзМУ	46	12,8%	22,4%	44,5%	20,3%
ГулДУ	52	11,4%	13,3%	45,5%	29,8%
АҚХИ	38	5,6%	9,2%	36,6%	48,6%

Талабаларни инглиз тилини билиш кўрсаткичлари ҳамда ўтказилаётган машғулотлар асосида тилни ўзлаштириш ва ўрганишга бўлган қизиқишлари ўртача 18%ни ташкил этиши аниқланди (3.1-расмга қаранг):



3.1-расм. Қишлоқ хўжалиги таълими йўналиши талабаларининг (1-2 босқич) инглиз тилини билиш даражалари (ДХ - дастлабки ҳолат)

Ушбу ўтказилган таҳлил натижаси асосида талабаларга инглиз тилини ўқитиш бўйича тажриба-синов ишлари қишлоқ хўжалиги таълим йўналишларида танланган тажриба гурухларида кластерли ёндашувлар асосида олиб борилиб ва натижалари назорат учун танланган гурухлар кўрсаткичлари билан солишириб борилди.

Анкета-сўровномаси тадқиқот иши мавзуси билан боғлиқ ҳолда нофилологик таълим йўналишларида талабаларнинг инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашувлар тўғрисида қанчалик тушунчаларга эга эканликлари, унинг аҳамияти тўғрисида маълумотларни таҳлил қилиш мақсадида ўтказилди. Анкета-сўровномалари ЎзМУ Биология ва тупроқшунослик факултетининг Тупроқшунослик таълим йўналишида, ГулДУ Табиий фанлар факултетининг Анорчилик таълим йўналишида, АҚХИ Аграномия таълим йўналишларининг 1, 2 ва 3-босқич талабалари орасида ўтказилди.

1-саволга (“Кластер” ҳақида эшитганмисиз ва у ҳақида маълумотга эгамисиз?) 261 нафар (58%) талаба “йўқ” деб, 144 нафар (32%) талаба ҳа, ишлаб чиқаришда кластер ҳақида эшитганмиз деб, 45 нафар (10%) кластер ҳақида эшитганмиз, лекин қайси соҳаларда қўлланилиши тўғрисида маълумотга эга эмасмиз, деб жавоб беришди.

2-саволга (Ишлаб чиқаришда кластер ҳақида эшитганмисиз?) 148 нафар (33%) талаба “ҳа” деб жавоб беришди, 253 нафар (56%) талаба “йўқ” деб, 49 нафар (11%) талаба жавоб беришга қийналди.

3-саволга (Таълимда кластерли ёндашув ҳақида эшитганмисиз?) 13 нафар (3%) талаба “ҳа” деб жавоб беришди, 405 нафар (90%) талаба “йўқ” деб, 32 нафар (7%) талаба жавоб беришга қийналишди.

4-саволга (Инглиз тилини ўқитиш ва ўрганишда кластерли ёндашувни қўллаш бўйича қандай маълумотга эгасиз?) 90 нафар (20%) талаба “ҳа” инглиз тилида кластер методидан фойдаланган ҳолда дар ўтилиши ҳақида маълумотга эгамиз деб, 319 нафар (71%) талаба “йўқ” деб жавоб беришди, 41 нафар (9%) талаба жавоб беришга қийналишди.

5-саволга (Инглиз тили машғулотлари Сиз таҳсил олаётган йўналишга мосми?) 363 нафар (80%) талаба “йўқ” деб, 32 нафар (7%) талаба “ха” деб жавоб беришди, 55 нафар (12%) талаба жавоб беришга қийналишди.

Иккинчи босқичда (2017-2018 йй) обьект сифатида белгилаб олинган ОТМларнинг қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабалари учун кластерли ёндашувга асосланган машқ ва топшириқлар тизими ишлаб чиқилди ва тажриба-синовдан ўтказилди. Тажриба ва назорат гурухлари шакллантирилди. Тажриба-синов ишларида 1, 2 ва 3 босқич талабаларидан 450 нафар талабалар қамраб олинди. Шулардан 225 нафари тажриба гурухларида ва назорат гурухларида 225 нафари иштирок этишди.

Учинчи босқичда (2018-2019 йй) олинган натижалар умумлаштирилиб, бўлажак қишлоқ хўжалиги йўналиши мутахассисларининг қай даражада инглиз тилини мутахассисликларига мос ҳолда ривожланганлигини аниқлаш бўйича 2017-2018, 2018-2019 ўкув йиллари учун тажриба-синов олди ва тажриба якуни бўйича натижалар умумлаштирилиб, баҳолаш меъзонига кўра қўйидагича баҳоланди:

“Аъло” баҳо – талабаларнинг қишлоқ хўжалиги йўналишида мутахассислигига мос инглиз тилидан фойдалана олиши; шахсий ва ишдаги муаммоларини ҳал қилиш қобилиятларидан фойдалана олиши; талабаларнинг маданиятлараро муносабатларда ҳамда мулоқот жараёни (ролли ўйинлар)да касбига оид тушинчаларни инглиз тилида қўллай олиши; профессионал электрон почта хабарларини ўқиш/ёзиш/тинглаш кўникмаларига эга бўлиши; маҳсулот/хизматнинг тавсифи, дизайнлаштирилган спесификацияни муҳокама қилиш; ускуналарни, иш шароитларини, лаборатория ишларини ва ишлаб чиқариш бирликларини таърифлаш (масалан, хорижий меҳмонларга гапириш ёки ролли ўйинларда қўллай олиш) ҳисобига қўйилди

“Яхши” баҳо – талаба мутахассислигига оид тушунчаларни ўзлаштирган, бироқ сухбат жараёнида (ролли ўйинлар)да ҳар доим ҳам қўллай олмаслиги; турли аниқ вазиятлар яратилганда, ускуналарни, иш

шароитларини, лаборатория ишларини ва ишлаб чиқариш бирликларини таърифлаш (масалан, хорижий меҳмонларга гапириш ёки ролли ўйинларда кўллай олиш) да хатоларга йўл қўйиши ва шарҳлашда қийналганлиги учун қўйилди.

“Қониқарли” баҳо – талаба мутахассислиги бўйича инглиз тилида мулоқот жараёнида фойдаланишда хатоси учун қўйилди

“Қониқарсиз” баҳо – талаба гарчи мутахассислиги бўйича айрим тушунчаларни инглиз тилида билсада қўллай олмаслиги, топшириқларни мустақил бажара олмаслиги ва ҳар доим гуруҳдошлари ёрдамига таяниши ҳисобига қўйилди.

Тадқиқотлар якунида тажриба-синов олиб борилган гуруҳларда анкета-сўровлари қайтадан олинди. Анкета-сўровномалари юқорида қайд этилган олий таълим муассасаларининг тажрибалар ўтказилган қишлоқ хўжалиги таълим йўналишлари талabalari орасида ўтказилди. Анкета сўровномаларида 1,2 ва 3 босқич талabalari иштирок этишди. Ушбу гуруҳ талabalariга олдинги семестрлардан бошлаб кластерли ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган дастур асосида инглиз тили ўқитилганлиги эътиборга олинди. Ушбу гуруҳларда кластерли ёндашувларга асосланган ҳолда инглиз тили ўқитиш натижаларини аниқлаш вазифаси қўйилган. Анкета-сўровда тажриба-синов ўтказилган қишлоқ хўжалиги таълим йўналишининг 225 нафар талabalari ва 225 нафар назорат учун танланган гуруҳ талabalari иштирок этишди. Назорат учун танланган гуруҳларда инглиз тили машғулотлари мавжуд ўқув дастурларига мувофиқ ўтказилганлиги эътиборга олинди. Анкета-сўровномаларда биринчи босқичда ўтказилган саволлар қайта берилди ва тажриба гуруҳларидағи талabalarning жавобларида ижобий ўзгаришлар аниқланилди.

1-саволга (“Кластер” ҳақида эшитганмисиз ва у ҳақида маълумотга эгамисиз?) 450 нафар талabalarning 225 нафари тажриба-синов ўтказилган гуруҳ талabalari, 225 нафари эса назорат гуруҳлари талabalарини ташкил этган эди. Ушбу саволга берилган жавоблар натижаси эса тажриба

гурухининг анкета саволларига жавоб беришда иштирок этган барча 214 нафар (95%) талабалар “ҳа” деб жавоб беришди, лекин 11 нафар (5%) талаба кластер ҳақидаги маълумотга тўлиқ тушинмаганлигини қайд этди. Назорат гурухининг 225 нафар талабаларидан 95 нафари (42%) “ҳа” деб деб жавоб берди, лекин кластер тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга эмасликларини қайд этишди. Шунингдек, 225 нафар талабадан 130 нафари (58%) “йўқ” деб жавоб беришди.

2-саволга (Ишлаб чиқаришда кластер ҳақида эшитганмисиз?) тажриба-синов гурухидан иштирок этган 225 нафар талабанинг 200 нафари (89%) “ҳа” деб жавоб беришди ва анкеталарга ўз фикрларини қайд этишди, 25 нафар (11%) талаба эса жавоб беришга қийналишди. Худди шу саволга назорат гурухидан иштирок этган 225 нафар табалардан 176 нафари (78%) “йўқ” деб жавоб беришди, 49 нафари (22%) эса “ҳа” деб жавоб беришди.

3-саволга (Таълимда кластерли ёндашув ҳақида эшитганмисиз?) тажриба синов ўтказилган гурухлардан иштирок этган 225 нафар табаларнинг барчаси (100%) “ҳа” деб жавоб беришди ва шулардан 106 (47%) нафари анкета варақаларига инглиз тилидан ўтказилган машғулотлар асосида мисоллар келтиришди. Назорат гурухларидан иштирок этган 225 нафар талабалардан эса 195 нафари (87%) “йўқ” деб жавоб беришди, 30 нафари (13%) эса “ҳа” деб жавоб беришди, шундан 5 нафари анкета варақаларига эшитганмиз, аммо аниқ маълумотга эга эмасмиз деб қайд этишган.

4-саволга (Инглиз тилини ўқитиш ва ўрганишда кластерли ёндашувни қўллаш бўйича қандай маълумотга эгасиз?) тажриба-синов гурухларидан иштирок этган 225 нафар талабалардан 211 нафари (94%) талаба “ҳа” инглиз тилини ўқитишда кластер ёндашувлар ҳақида маълумотга эгамиз деб жавоб бериш билан бирга 10 (4%) нафар талаба ўтилган машғулотлар асосида анкеталарга мисоллар ёзишган, 4 нафар (2%) талаба эса жавоб беришга қийналишган. Худди шу саволга назорат гурухларидан иштирок этган 225 нафар талабалардан 162 нафари (72%) “йўқ” деб жавоб беришган, 63 нафари (28%) “ҳа” эшитганмиз, лекин аниқ маълумотга эга эмасмиз деб жавоб бериб,

анкеталарга “бизга ҳам шу усулда машғулотлар ўтилганда яхши бўлар эди” деб ёзишган, шундан 5 нафар талаба эса жавоб беришга иккиланганлиги қайд этишган.

5-саволга (Инглиз тили машғулотлари сиз таҳсил олаётган йўналишга мосми?) анкета-сўровда иштирок этган 450 нафар талабалардан тажриба гуруҳида иштирок этган 225 нафар талабанинг 195 нафари (87%) “ҳа”, ўтказилган машғулотлар бошқа гуруҳларга нисбатан (назоратдаги гуруҳларни эътиборга олиб ёзилган) яхши ўтказилди ва биз ўқийдиган мутахассислик фанларига мос ҳолда ўтказилди деб жавоб ёзишган, 22 нафар (10%) талаба “ҳа” деб жавоб бериб, изоҳ ёзишмаган, 8 нафари (4%) “бilmaymiz” деб жавоб ёзишган. Шу саволга назорат гуруҳларидан иштирок этган 225 нафар талабалардан 185 нафари (82%) “йўқ” деб жавоб қайташган, 27 нафари (12%) бизга ҳам бошқа гуруҳдаги сингари (тажрибасинов ўтказилган гуруҳлар назарда тутилган) ўқитилганда яхши бўлар эди деб ёзишган, 13 нафар (6%) талаба эса “ҳа” деб жавоб беришган.

Юқорида қайд этилган олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналишларида инглиз тили машғулотларини олиб бораётган ўқитувчилар учун ҳам қуийдаги саволномалар асосида анкета-сўровлари ўтказилди. Анкета сўровномалари асосида тадқиқот мавзусининг ўқитувчилар ўртасида ўтказилиши олиб борилаётган тадқиқотнинг аҳамияти, унинг натижалари тўғрисда аниқ хulosалар чиқариш ва кластерли ёндашувларга асосланган технологияни амалиётган тадбиқ этиш учун тавсиялар тақдим қилишдан иборат бўлди.

Ўқитувчилар орасида ўтказилган анкета сўровномаларда тажрибасинов ишлари олиб борилган олий таълим муассасаларидан жами 42 нафар ўқитувчилар иштирок этишли.

1-саволга (“Кластер” ҳакида эшитганмисиз? Кластер тўғрисида маълумотга эгамисиз?) 42 нафар ўқитувчилардан барчasi (100%) “ҳа” деб жавоб беришли ва кластер методларидан фойдаланган ҳолда айrim машғулотларнинг ўтилиши бўйича қайд қилиш билан бирга ишлаб чиқариш

жараёнида кластер тушунчаси кенга қўлланилаётгани тўғрисида ўз фикрларини қайд этишди.

2-саволга (Ишлаб чиқаришда кластер ҳақида эшитганмисиз?) 29 нафар (69%) респондент “ҳа” деб жавоб беришди 13 нафари (31%) эса машғулотларда кластер машғулотларидан мисоллар келтиришди.

3-саволга (Таълимда кластерли ёндашув ҳақида эшитганмисиз?) 24 нафар (57%) “ҳа” деб жавоб беришди, лекин машғулотларни кластер методидан ўтиш тўғрисида мисоллар келтиришган. 7 нафар (17%) респондент таълим жараёнида кластерли методлардан фойдаланиш бўйича хорижий манбалардан мисоллар ёзишди, 11 нафар (26%) респондент эса жавоб беришга иккиланишди.

4-саволга (Инглиз тилини ўқитиш бўйича намунавий ўқув дастури Сиз машғулот олиб бораётган таълим йўналишига мос келадими?) 24 нафар (57%) респондент “ҳа” деб жавоб беришди, 18 нафар (43%) респондент “йўқ” деб жавоб беришди ва намунавий дастурни қайта шакллантириши ва таълим йўналишларига мослаштириш лозимлигини қайд этишди.

5-саволга (Инглиз тили машғулотларида фойдаланилаётган ўқув манбалари (ўқув қўлланма, мажмуа ва бошқалар) сизни қониқтирадими?) 34 нафар (81%) респондент “ҳа” деб жавоб беришди, 8 нафар (19%) респондент эса “йўқ” ўқув манбаларини қайта тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб қайд этишди.

6-саволга (Сиз инглиз тили машғулотларини таълим йўналиши (мутахассислик) ва ишлаб чиқаришга боғлаб олиб борилиши (кластерли ёндашув асосида) ҳақида қандай фикрдасиз?) 18 нафар (43%) респондент ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда олиб борилаётганлиги, 14 нафар (33%) респондент бунинг учун ўқув дастурларига ўзгартириш киритиш лозимлигини қайд этишди, 10 нафар (24%) респондент эса ишлаб чиқаришга боғлаш шарт эмас, битирувчи ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатиш жараёнида ўzlари ҳаракат қилишлари лозимлигини қайд этишди.

Ушбу саволлар асосида 2018-2019 ўқув йили якунида ўтказилган анкета сўровларига ўқитувчилар томонидан юқоридаги тартибда жавоблар олинди. Бунда ўқитувчиларга инглиз тили машғулотларини ўтишда тавсия этилган кластерли ёндашувлар асосидаги дастурдан фойдаланиш натижалари эътиборга олинди. Ўтказилган анкета-сўров ҳамда мавжуд манбаларнинг ҳолатини таҳлил қилиш асосида ҳар бир таълим йўналишларида ўқитиладиган мутахассислик фанлари ўқув дастурларига мос ҳолда инглиз тилини ўқитиш ўқув дастурларини шакллантириш ва ушбу мутахассислик фанлари маълумотлари асосида яратилган ўқув дастури бўйича инглиз тилини ўқитиш мақсадга мувофиқ, деган хulosага келинди.

Қилинган таҳлиллар асосида нофилологик таълим йўналишлари учун таълим йўналиши ва мутахассислик талабаларидан келиб чиқсан ҳолда намунавий ва ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир таълим йўналишлари учун ўқув қўлланмалари ва машғулотликлар яратилиши бўйича хulosалар қилинди.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича Ўзбекистон Миллий университети (ЎзМУ) Биология ва Тупроқшунослик факультетининг тупроқшунослик таълим йўналишида, Гулистон давлат университети (ГулДУ) табиий фанлар факультетининг Анорчилик таълим йўналишида, Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали Андижон Қишлоқ хўжалиги институти Агрономия таълим йўналишларида (АҚХИ) олиб боришига эътибор қаратилди.

Яратиладиган дастурлар ҳамда ўтказиладиган машғулотлар таълим йўналиши ва мутахассислик талабаларидан келиб чиқсан ҳолда кластерли ёндашувлар асосида ташкил қилиниши бўйича тадқиқотлар режаси ишлаб чиқилди. Олиб борилган тадқиқотлар ва нофилологик таълим йўналишларида ўтказилган тажриба синов ишлари асосида амалдаги ўқув дастури ўрнига ҳар бир таълим йўналишларига мос ҳолда ўқув дастури мазмуни таклиф этилди (3.3-жадвалга қаранг):

3.3- жадвал

НОФИЛОЛОГИК ТАЛЬЛИМ ЙҮНАЛИШЛАРИДА ХОРИЖЙ (ИНГЛИЗ) ТИЛНИ ЎҚИТИШ ХОЛАТИ ВА ЎҚИТИШ БҮЙЧА ХУЛОСА (ТАКЛИФ)

Ўкув-мөйөрий хужжатлар	Амалда				Таклиф			
	Умумий юклама	Жами	Амалий тальлим	Мустакил мулокот	Умумий юклама	Жами	Амалий тальлим	Мустакил мулокот
Ўкув режаси	360	254	254	106	-	360	254	254
Малакавий талабда тилни билиш даражаси түгрисида талааб маълумот берилмаган	Малакавий талабларда барча мутахассисликларда хорижий тилни билиш даражаси белгиланган бўлини шарт (тилни ўзлаштириш бўйича президент ва хукумат карорлари хам кабул килинганилиги эътиборга олинини максадга мувофик)	Малакавий талабларда барча мутахассисликларда хорижий тилни билиш даражаси белгиланган бўлини шарт (тилни ўзлаштириш бўйича президент ва хукумат карорлари хам кабул килинганилиги эътиборга олинини максадга мувофик)						106
Ўкув дастури	Тегиши тальлим йўналишлари бўйича мутахассислик фанлари ёки мутахассисликка оид манбаларга ҳаволалар берилмаган	Дастурда мутахассисликка оид фан, адабиёт ва манбаларга ҳаволалар берилши максадга мувофик						
Тавсия этиладиган адабиётлар ёки манбалар	Факат умум фойдаланиш манбалари берилган	Мутахассисликка оид инглиз тилидаги адабиётлар (манбалар) кўрсатилиши максадга мувофик						
Ўкув-услубий мажмуя	Мутахассисликка оид фан ва манбалардан жуда кам фойдаланилган	Ўкув-услубий мажмуаларни тайёрлашда мутахассислик фанлари, адабиётлар ва манбалардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилши максадга мувофик						

§ 3.2. Қишлоқ хўжалиги таълимни йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишнинг модулли тизими

Илмий-назарий хуносалардан келиб чиқиб, бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўз йўналишлари бўйича инглиз тилини эгаллашининг ривожланиш даражасини аниқлаш учун қўйидаги кластерли ёндашувга асосланган модулларда амалга ошириш белгиланди:

1. General English
2. Introduction to the agrarian sphere
3. Communicating in agroindustrial sphere
4. Developing agricultural outlook
5. Integration of Education and Production

Шу асосда ишлаб чиқилган машқлар ва топшириқлар тизими тажриба майдонларида ажратиб олинган групхларда синовдан ўтказилди. Олинган натижалар назорат групхлари билан солиширилиб, натижаларнинг қиёсий-солиширма кўрсаткичлари аниқланди.

Юқорида қайд қилинганидек, нофилологик таълим йўналиши, хусусан, қишлоқ хўжалиги таълимни йўналиши талабаларига иғлиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитишда модулли тизимга асосланган технология асос қилиб олинди.

Бу ёндашувлар доирасида модул асосида мутахассислар тайёрлашнинг бир қатор концепциялари замерида фаолият ёндашуви ётади ва бу нуқтаи назардан, ўқитиш жараёни тўлалигича ёки муайян фан доирасида, модулли таълим мазмунига мувофиқ қасбий фаолият элементларини ўқувчи томондан кетма-кет ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади. Модулга асосланган тизимли ўқитиш негизида қўйидаги мақсадлар кўзланади:

ўқитишнинг (фанлар орасида ва фаннинг ичида) узлуксизлигини таъминлаш;

ўқув материалини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;

ўқитишни жадаллаштириш;

фанни самарали ўзлаштиришга эришиш [21, 73].

Шунга кўра тажриба-синов ишларимиз бўйича шакллантирилган модулли тизимда қайд қилинган тамойиллар ва модулга асосланган тизимли ўқитиш асос қилиб олинди ва самарадорлик кўрсаткичларига эришилди.

1-модул: General English

General English (Умумий инглиз тили) нофилологик таълим йўмналиши талалбаларининг 1-босқич, 1-семестрида инглиз тилини ўқитишдаги дастлабки модулдир. Ушбу олиб борилган тадқиқотлар давомида General English модули қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларининг профессионал ва профессионал бўлмаган вазиятларда коммуникатив кўникмаларини ривожлантириш, интервюлар, сухбатлар, телефон сўзлашувлари, жест ҳаракатлардан фойдаланиш ва турли хил матнларни ўқиш, оддий иловалар яратиш орқали мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилди (3.4-жадвалга қаранг):

3.4-жадвал.

General English модули асосида ўтиладиган машғулотлар мавзуси

№	Мавзулар	Ажратилган соат	
		Аудитория	Мустақил
1.	Greeting and introducing	10	6
2.	Talking about your background	8	4
3.	Relations and conversation	8	6
4.	Socializing getting to know each other	6	4
5.	Socializing through technology	4	4
6.	Hobbies and personal interest	6	4
7.	Body language	6	8
8.	How to network at work	10	4
9.	Dealing with different channels	8	4
10.	Adressing cultural gap	10	4
	ЖАМИ	78	48

Ушбу модул бўйича олиб бориладиган машғулотлар учун жами 126 соат вақт ажаратилган бўлиб, шундан 78 соат аудитория соати, 48 соат

мустақил таълимни иштирок этади. Олиб борилган тажриба-синов ишлари асосида машғулот мавзулари топшириқлар танланди (3.5-жадвалга қаранг):

3.5-жадвал.

Мавзу: “Learning about the world” мавзуси бўйича тажриба гурухлари учун берилган топшириқлар

Машқ номи	Вазифаси				Кўлланилган усуллар																																		
Warm-up	Theme: Learning about the world Answer the starter questions 1.Do you think that travelling is the best way to learn the world? 2.Why do you think so? 3.What types of travelling do you know? 4.Why do you think people travel?				Йўриқнома бериш усули																																		
Mind-map	 Fill in the mind map				Ақлий хужум усули																																		
Matching the words with the definitions	Match the following words <table border="1"> <tr> <td>1.trip (noun)</td> <td>a.to go from one place to another or visit different places</td> <td colspan="2">Инсерт усули</td> </tr> <tr> <td>2.journey (noun)</td> <td>b.an occasion when you go somewhere and come back again</td> <td colspan="2"></td> </tr> <tr> <td>3.travel (verb)</td> <td>c.a long journey to distant or unknown place especially over water or through outer space</td> <td colspan="2"></td> </tr> <tr> <td>4.voyage (noun)</td> <td>d.an occasion when you travel from one place to another, usually a long distance</td> <td colspan="2"></td> </tr> <tr> <td>5.tour (noun)</td> <td>e.a travelling by asking for lifts from vehicles that pass you</td> <td colspan="2"></td> </tr> <tr> <td>6.hitchhiking (noun)</td> <td>f.a journey for pleasure, during which you visit several different towns, areas</td> <td colspan="2"></td> </tr> </table>				1.trip (noun)	a.to go from one place to another or visit different places	Инсерт усули		2.journey (noun)	b.an occasion when you go somewhere and come back again			3.travel (verb)	c.a long journey to distant or unknown place especially over water or through outer space			4.voyage (noun)	d.an occasion when you travel from one place to another, usually a long distance			5.tour (noun)	e.a travelling by asking for lifts from vehicles that pass you			6.hitchhiking (noun)	f.a journey for pleasure, during which you visit several different towns, areas													
1.trip (noun)	a.to go from one place to another or visit different places	Инсерт усули																																					
2.journey (noun)	b.an occasion when you go somewhere and come back again																																						
3.travel (verb)	c.a long journey to distant or unknown place especially over water or through outer space																																						
4.voyage (noun)	d.an occasion when you travel from one place to another, usually a long distance																																						
5.tour (noun)	e.a travelling by asking for lifts from vehicles that pass you																																						
6.hitchhiking (noun)	f.a journey for pleasure, during which you visit several different towns, areas																																						
Experiences on travelling	Work in small groups. Decide whether the sentences are right (R) or wrong (W) and write how much you are sure in your answers				Гурухларда ишлаш усули																																		
	<table border="1"> <thead> <tr> <th>Nº</th> <th>Sentences</th> <th>R/W</th> <th>Sure%</th> <th>Gain</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>1</td> <td>I am planning a travel to London</td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>2</td> <td>My brother travels to France once a year</td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>3</td> <td>A travel broadens your mind</td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>4</td> <td>Aziz is fond of travelling</td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td>5</td> <td>You should write about your travels</td> <td></td> <td></td> <td></td> </tr> <tr> <td colspan="2">TOTAL SCORE</td><td></td><td></td><td></td></tr> </tbody> </table>				Nº	Sentences	R/W	Sure%	Gain	1	I am planning a travel to London				2	My brother travels to France once a year				3	A travel broadens your mind				4	Aziz is fond of travelling				5	You should write about your travels				TOTAL SCORE				
Nº	Sentences	R/W	Sure%	Gain																																			
1	I am planning a travel to London																																						
2	My brother travels to France once a year																																						
3	A travel broadens your mind																																						
4	Aziz is fond of travelling																																						
5	You should write about your travels																																						
TOTAL SCORE																																							
Presentation	Make a poster presentation about a place you would like to visit. Make sure that you include a title, the reason of your going to that place.				Намойиш усули																																		

Шу асосда ишлаб чиқилған машқлар ва топшириқлар тизими тажриба майдонларида ажратыб олинган гурұхларда синовдан үтказилди. Ушбу модул учун ишлаб чиқилған машқлар әшитиш (listening) ва гапириш (speaking) күнінде олардың шакллантириші қартилди (Ушбу модул бүйічә ишлаб чиқилған дарс ишланмалари 1-иловада қайд этилған).

Олинган натижалар назорат гурұхлари билан солиширилиб, натижаларнинг қиёсий-солиширима құрсақтычлари аникланди. Ушбу модул бүйічә тажриба гурұхлари билан құшимча равища қуидагидек топшириқлар устида ишланды:

“How to network at work” мавзуси юзасидан қуида берилған иборалар орқали “бизнес хатини ёзинг”, мазмуннан топшириқ берилді.

Write your own business letter by using the given key phrases

Key phrases

Asking for information

I am writing to ask about ...

We would like to ...

Please let me know if ...

I would be grateful if you could ...

Please include ...

I look forward to hearing from you ...

Олинган натижалар қуидагича бўлди (3.6-жадвалга қаранг):

3.6-жадвал.

General English (Умумий инглиз тили) бүйічә ривожлантирилған кластерли ёндашув даражаси

Тажриба-синов майдонлари	ТГда олинган натижалар Фоизда	НГда олинган натижалар Фоизда
ЎзМУ	50	30
ГулДУ	40	30
АҚХИ	20	20

Натижаларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдик, тажриба гурухларида қўшимча топшириқлар асосида махсус иш олиб борилгани туфайли талабаларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиши, ушбу тилда мулоқат қилиш компетенциясига эга бўлдилар. Бу ўз навбатида кейинги модулларни осон ўзлаштиришларига замин яратди. Аксинча, мавжуд дастурда белгиланган мавзулар асосида (“Symbols of Uzbekistan”, “Scientists of Maths”) машғулот ўтказилган назорат гурухларида эса талабалар бир хил билимга эга бўлишсада, аниқ мулоқат вазиятларида қандай йўл тутишни билмай қолаётганликлари маълум бўлди.


Ушбу модул талабаларни инглиз тилини ўрганишида қизиқишини орттириш ва кейинги боскичларни осон ўзлаштиришга қаратилди. Сабаби, олий таълим муассасасига қабул қилинган талабаларнинг барчаси ҳам ДТС да белгиланган инглиз тилини В1 билиш даражасини эгалламаган бўлади. Ушбу модул ва унда белгиланган мавзулар ҳамда машқлар умумий инглиз тилини ўрганишга қаратилди. Ушбу модул сўнгидаги талабалар қўйидагиларни бажариш имкониятига эга бўлдилар:

- ижтимоий тармоқ сайtlари (масалан, LinkedIn, Facebook) орқали чет элдаги бошқа университетларнинг гурухлари ва дўстлари билан университет ҳаётини тавсифлаш;
- танишиш, маданиятлараро ва шахсий қизиқишдаги ёки кундалик ҳаётга тегишли мавзулар бўйича дастлабки тайёргарликсиз сухбатларга қўшилиш;
- шахсий телефон сўзлашувларида иштирок этиш;
- алоқани бошлаш, навбатда туриш, сухбатларни тугатиш;
- шахсий электрон мактублар ёзиш;
- умумий мавзулар бўйича сўровлар яратиш ва ўтказиш;
- шахсий ва оиласий маълумотлар, харидлар, ҳақида маълумотлар бериш;
- сухбатни тушиниш ва давом эттириш;

- телефон орқали сұхбатлар үтказиши ва мұхим маълумотларни ёзіб олиш.

2-модул: Introduction to the agrarian sphere

“Introduction to the agrarian sphere” (Аграр соҳасига кириш) 1 босқич 2-семестрида үқитиладиган юкламани ташкил этади. Ушбу семестр учун ажратилған дарс соати 78 соатни ташкил этади. Ушбу семестрда талабалар яъни бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассислари ўз соҳаларини тушунишлари ва асосий маълумотларини тенгдошларига ҳамда бошқа гурухларга етказишларига қаратилди. Ушбу модулда талабалар ўз билимларини танқидий тарзда етказиши ўз ичига олган ҳолда талабаларнинг тил кўникмаларини ривожлантириш ва билимларни ўрганиш, танқидий фикрлаш, маълумотларни тўплаш, муаммони ҳал қилиш, ғояларни тақдим этиш ва ахборот излаш, муаммолар ечими, сабаб ва таъсир каби илмий билимларни йўналишларига мос ҳолда инглиз тилида эгаллашди.



3.2-расм. “Introduction to the agrarian sphere” модули бўйича талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи (ТГ-тажриба гурухи; НГ-назорат гурухи

“Introduction to the agrarian sphere” модули инглиз тили машғулотлари учун мавзулар таълим йўналишида үқитиладиган фанлар үқув дастурлари

асосида тузилди. Бунда мавзуларни танлашда фан ўқитувчилари билан мавзулар мұхокама қилинди. Ушбу мавзулар асосида машғулотлар үтиш жараёнида талабаларнинг күпроқ қизиқишига сабаб бўлди. Бунда талабалар учун ҳам таҳсил олаётган таълим йўналишида ўқитилаётган фанлардан маълумотларни тақорорлашлари асосида инглиз тилида тез ва осон ўзлаштиришларига сабаб бўлди (3.2-расм). Шунингдек, мутахассислик фанлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори кўрсаткич билан баҳоланишлари кузатилди.

3.6-жадвал.

“Introduction to the agrarian sphere” модули бўйича ишлаб чиқилган мавзулар

Таълим йўналиши фанларида	Инглиз тили машғулотлари бўйича танланган мавзулар		Соат	
	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Ауди- тория	Муста- қил
Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари	Development of agriculture	Theatre	10	6
Тупроқ, сув ва ўсимлик	Soil, water, seeds	British museum	8	4
Ўсимликларни парваришлаш	Plant growth	Library	8	6
Ўсимлик маҳсулотлари	Plant products	Great Britain	6	4
Ҳайвонот дунёси	Animal products	Mark Twain	4	4
Ҳайвонот дунёси маҳсулотлари	Animal grain	Sport	6	4
Ҳайвонларни парваришлаш	Animal health	Health	6	8
Ўсимлик ва ҳайвонлар касаллаклари	Weeds, pests and disease	Holidays	10	4
Фаслий ривожланиш	Growing seasons	My profession	8	4
Ҳосилдорлик	Harvest	Cambridge university	10	4
ЖАМИ			78	48

Машғулотлар қишлоқ хўжалиги таълими йўналишидаги фан ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари фикрларини эътиборга олган ҳолда яратилди ҳамда ишлаб чиқилган мавзулар қишлоқ хўжалиги мутахассислиги доирасида ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Ушбу мавзулар доирасидаги машқлар тизими ишлаб чиқилди (3.6-жадвалга қаранг).

Мутахассисликка кириш бўйича содда сўз ва тушунчалар танландикӣ, бунда талабаларнинг ҳам тилни ўрганишга бўлган қизиқишиларини мутахассисликларни инглиз тилида ўқитиш билан оширишга ва кластерли тизимга асосан оддийдан мураккабга томон йўналтиришдан иборат бўлди (Ушбу модул учун ишлаб чиқилган дарс ишланмалари намуналари 2-иловада қайд этилган).

Қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига ўзларининг мутахассислигига мос ҳолда тил ўқитилиши инглиз тилини осон ўзлаштирилишига сабаб бўлди.

Кўйида келтирилган машқлар “Harvest” (Ҳосилдорлик) мавзусига асосланган бўлиб, машқларда келтирилган сўзлар ҳамда тушунчалар ушбу мавзуга оидлиги туфайли ва улар тил кўникмаларини ривожлантирувчи машқларда ва аутентик материалларда акс эттирилганлиги туфайли талабалар томонидан осон ўзлаштирилди ва ушбу модул учун ишлаб чиқилган машқларда ёзиш (reading) кўникмаларини шакллантиришга қаратилди.

Ушбу модулга асосан талаба ўз университети, бўлими ва соҳаси ҳақида презентациялар ва тушунчалар бериш асосий белгиланган вазифалардан биридир.

“Introduction to the agrarian sphere” модули доирасида ишлаб чиқилган мавзулар ҳамда машқлар доирасида танлаб олинган усуллардан “йўриқнома бериш усули”, “машқ усули”, “тушунтириш (хикоя) усули”, “зинама-зина усули” каби усул ва методлардан фойдаланилди.

Масалан, ушбу модул учун тузилган “Harvest” мавзуси учун ишлаб чиқилган машқлар (3.7-жадвалга қаранг):

“Harvest” мавзуси учун ишлаб чиқилған машқлар

Машқ номи	Вазифаси	Күлланилған усуллар
Warm-up	Theme: Harvest Discuss about these questions 1. When do farmers harvest crops? 2. How do farmers gather crops during harvest?	Йүриқнома бериш усули
True (T) or False (F) statements	According to the distributed harvest summary report. Mark the following statements as true (T) or false (F) ___ The crops all have the same package type ___ None of the crops were rained on ___ Field #2 produced the smallest amount of wheat	Зинама-зина усули
Find the words best fit to the blanks	Read the sentence pair. Choose where the words best fit the blanks reap/mature A. _____ the crops in six months B. Some plants take longer to _____ chaff/harvest A. The annual _____ is next month B. This machine removes the unusable _____ tons/bales A. There were many more _____ of hay this year B. How many _____ of wheat were harvested?	
Find the word similar in meaning	Write a word that is similar in meaning to the underlined part 1. This year's <u>quantity of crops produced</u> was twice last year y ____ d 2. <u>Removing unusable parts from wheat</u> makes it edible h ____ s ____ n ____ 3. Instead of gathering the crops in bales, we left them in <u>organized piles</u> t a ____ 4. When you go to the market, get 2 <u>units of measurement</u> equal to 9.3 Gallons of grain b ____ s ____ 5. When you place in order, tell them what <u>form of packaging</u> to use p ____ t ____	Машқ усули
Act out roles	With a partner act out roles below <i>Use statements such as</i> -We have ... for sale -We will approve ... by -This is our ... harvest Student A: You are a farmer. Talk student B about: a crop report tons sold your opinion of harvest Student B answers.	Түшүнтириш (хикоя) усули

Бундан ташқари, мақолаларни ўқиши, техник ҳисоботларни, кутубхонани ўрганиш, тенгдошларининг текшируви, мақола мұхокамаси, илмий мақолаларни ўқиши маҳорати талабаларга ўз соҳалари билан танишишга ёрдам беради (3.8-жадвалга қаранг):

Натижаларнинг қиёсий таҳлили шуни құрсаңдай, тажриба гурухларида қўшимча топшириқлар асосида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги талабаларга ушбу модулдан мутахассислигига мос ҳолда тушунчалар ва фанга кириш инглиз тилида маҳсус олиб борилгани туфайли талабалар нафақат аниқ вазиятлар бўйича мулоқот юритиш вазияти яратилганда, соҳаларига мос инглиз тилида сўз ва тушунчалардан фойдаланиш компетенциясига эга бўлдилар, балки мутахассислигини инглиз тилида пухта ўзлаштирудилар.

3.8-жадвал.

“Introduction to the agrarian sphere” модули бўйича талабаларнинг ўзлаштириш қўрсақчи

Тажриба-синов жойи	ТГда олинган натижалар Фоизда	НГда олинган натижалар Фоизда
ЎзМУ	80	50
ГулДУ	70	50
АҚХИ	70	40

Аксинча, мавжуд дастурда белгиланган шаклда машғулот ўтказилган назорат гурухларида эса талабалар мутахассисликларига мос ҳолдаги тушунчаларни ўзлаштира олишмади ва мулоқотга кириша олишмади. Ушбу модул учун машғулотнинг технологик харитаси яратилди (3-иловага қаранг).

Чет тили ўқитиши жараёнида мулоқатга ўргатишида нутқ фаолияти турлари (ўқиши, ёзиш, гапириш, тинглаш), лексикага оид машқлар орқали талабаларнинг тил кўнижмалари ва соҳасига оид билимларни ривожлантиришида асосий мақсадни амалга оширувчи воситадир. Дастурда ҳар бир босқич учун лексик минимум сони кўрсатилган. Дастур талаби бўйича нутқ фаолияти турларига ўргатиши – оғзаки нутқ – ўқиши - ёзувга ўргатиши кетма-кетлигига ташкил қилинади. Шу сабабли талабалар янги

лексикани олдин оғзаки нутқда ўрганадилар ёки оғзаки нутқнинг лексик томони ўргатилади. Кейин бу янги сўзлар ўқиш ва ёзма нутқда ўзлаштирилади, мустаҳкамланади.

3-модул: Communicating in agroindustrial sphere

“Communicating in agroindustrial sphere” (Қишлоқ хўжалиги йўналишида мулоқот қилиш) бўлиб, ушбу тилни ўқитишнинг коммуникатив модули бугунги кунда Европа ва АҚШда самарали қўлланилмоқда. Ўз номи билан ушбу модул ўзаро мулоқотга асосланган бўлиб, унда ҳар қандай тил ўрганиш асосини ташкил этувчи матнни ўқиш, ёзиш, сўзлашув ва диалогларни англаш муҳим ҳисобланади. Албатта, ушбу модулда ўқитувчилар сўнгги икки усулга (сўзлашув ва диалогларни англаш) эътиборни кўпроқ қаратадилар ва бу модулга бағишлиланган машғулотларда мураккаб сўз қурилмалари ва жиддий лексикага дуч келинмайди. Мазкур модулда дуч келинган ягона муаммо – тажриба олиб борилган гуруҳлардаги талabalар соҳасига оид сўзларни эгаллашди, талabalар мутахассисликларига оид матнлар мазмунига осон тушундилар, аммо соҳа мутахассиси билан жиддий мулоқотга киришга қийналди. Ушбу модулнинг мақсади – биринчи навбатда, мулоқот олдидаги қўрқувни енгишdir.

Демак, тилни осон ўзлаштириш, мулоқотга киришиш учун юқорида санаб ўтилган интерфаол усулларни самарали қўллаган ҳолда инглиз тилини ўқитиш лозим. Фикримизча, нофилологик йўналишидаги талabalарга инглиз тилини ўқитишда аввал талabalарга инглиз тилида мутахассисликларига доир сўзлашга ўргатиб, кейинги босқичларда шу тилда мулоқотга киришишга ўргатиш лозим. Бу анча қийин, аммо амалга ошириш мумкин бўлган жараён. Бунинг учун инглиз тили ўқитувчиси машғулот бериш методи ва усулларини стандарт ёндашувдан ташқари турли хил ўйинлар, ўртоқлари билан мулоқот, хатоларни топиш бўйича машқлар, матнларнинг қиёсий таҳлили кабилар билан бойитиши лозим.

Юқорида қайд этилган модуллар ва талabalарнинг тилни билишга бўлган қизиқишиларининг ривожланиши ҳамда таълим йўналишларида

ўқитилаётган фанларни ўзлаштириш кўрасаткичлари асосида “Communicating in agroindustrial sphere” модули бўйича инглиз тили машғулотлари мавзулари ҳам такомиллаштирилди. Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, назорат гуруҳида талабаларнинг тил ўрганишга ва кичик гурухларга бўлиниши бўйича қизиқиш кузатилмади. Чунки юқорида қайд этилганидек, назорат гуруҳи талабалари учун одатдаги (анъанавий) тарзда мавжуд ўкув дастури асосида ўтилди (3.9-жадвалга қаранг):

3.9-жадвал.

“Communicating in agroindustrial sphere” модули бўйича ишлаб чиқилган мавзулар

Таълим йўналиши фанларида	Инглиз тили машғулотлари бўйича танланган мавзулар		Соат	
	Тажриба гурухи учун	Назорат гурухи учун	Ауди- тория	Муста- қил
Чорва моллари маҳсулдорлиги	Beef industry	Culture	10	6
Чорвачиликни ривожлантириш	Swine industry	Newspaper	8	4
Паррандачиликни ривожлантириш	Poultry industry	Computer technology	8	6
Сут ва сут маҳсулотлари	Dairy industry	English grammar	6	4
Кўйчиликни ривожлантириш	Sheep industry	My country	4	4
Чорвачик ва саноат	Enquine industry	London	6	4
Фермерчиликни ривожлантириш	Sustainable farming	Industry	6	8
Органик маҳсулотлар	Organic farming	Tashkent is the capital of Uzbekistan	10	4
Маҳсулдорлик	Soil Conservation	British meals	8	4
Тупроқнинг шўрланиши	Salts and acidity	Ecology	10	4
ЖАМИ			78	48

Ушбу келтирилган “Communicating in agroindustrial sphere” модул доирасида асосан ургу талабаларнинг таълим олиш кўнималарини ишлаб чиқариш билан боғлаш тизимига алоҳида эътибор берилди. Кластерли ёндашувларга асосан модулли тизим асосида инглиз тилини ўқитиш,

талабаларни танлаган мутахассислари бўйича алоҳида кичик гуруҳларга бўлиш ва ушбу кичик гуруҳларни қизиқишига мос ҳолда ўқув дастурлари яратилди, мавзулар кетма-кетлиги ҳамда машқлар ишлаб чиқилди.. Ана шунда кичик гуруҳлардан бири чорвачилик йўналиши билан боғлик бўлди. Ушбу модул асосида алоҳида машғулотлар режаси чорвачилик билан қизиқсан талабалар учун шакллантирилди.

Бунда танланган мавзулар умуман мутахассислик фанларидан узок ва бу талабаларнинг қизиқишига олиб келмади.

Ўсимлик, сув, тупроқ каби тушунчаларни инглиз тилида ўзлаштирган бўлажак агарар мутахассислари ушбу модулда юқоридаги тушунчалар орқали мулоқотга кириша олишди ва матбуотда ёки конференцияларда ўз касби вакили бўлишни истайдиган қишлоқ хўжалиги ходимлари учун муҳим бўлган илмий алоқаларга алоҳида эътибор берилди ва ушбу қўникмаларни шакллантиришда юқоридаги модулларда келтирилган нутқ фаолияти қўникмаларига қўшимча сифатида ушбу модулда ёзиш (writing) қўникмаларини шакллантиришга қаратилган машқлар ишлаб чиқилди (ишланма намуналари З-иловада келтирилган).

Агросаноат соҳасидаги мулоқот муҳим аҳамиятга эга, чунки бошқа муассасалар ва мамлакатлар билан алоқа ўrnата олмасдан ҳамкорликни ривожлантириш мумкин эмас. Юқоридаги келтирилган модулларда бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассислари инглиз тилида умумий мулоқот (General English) қилишни, мутахассислик ҳақида умумий тушунчалар (Introduction to the agrarian sphere)ни эгаллаган бўлса энди ушбу модулда умумий агарар ва қишлоқ хўжалиги соҳасида мулоқот қилишни ўрганишди (Communicating in agroindustrial sphere).

Communicating in agroindustrial sphere (Агарар соҳасида мулоқат қилиш) бўйича тажриба гуруҳларини қизиқишига кўра алоҳида топшириклар шакллантирилди (3.10-жадвалга қаранг):

“Soil conservation” мавзуси учун ишлаб чиқилған машқлар

Машқ	Вазифаси	Усуллар
Warm-up	Theme: Soil conservation Answer to the following questions for warm-up 1. In what ways can soil be damaged? 2. What parts of your region have the best soil?	Үйин усуллари
Multiple choice	Read a guide to soil conservation. Then, choose the correct answers 1.What is the main purpose of the guide? A.to show benefits of soil additives B.to describe soil conservation methods C.to recommend soil conservation products D.to explain the financial costs of soil damage 2.Which is NOT a suggestion made in the article? A.planting cover crops B.using keyline design C.applying manure fertilizer D.having perimeter runoff control 3.Which would be the best solution for nutrient depletion? A.crop rotation; B.soil conservation; C.windbreaks D.contour farming	Китоб билин ишлаш усули
Match the words the definitions	Match the words (1-8) with the definitions (A-H) 1.__ nutrient depletion; 2.__ contour farming; 3.__ cover crops; 4.__ green manure; 5.__ soil conservation; 6.__ grassways; 7.__ keyline design; 8.__ perimeter runoff control a name for cover crops that add nitrogen process where nutrients are taken from soil grassy areas that slow water flow the practice of maintaining soil plants that add nutrients to soil and prevent it from washing away a method of plowing to prevent erosion the use of plants near a field's borders to prevent erosion design that maximizes water resources	Гурх бўлиб ишлаш усули
Listen to a guide	Listen to a guide to soil conservation again. Discuss the following questions: -What is the importance of perimeter of grassways? -What do they do?	Лаборатория усули

Талабаларга “Salts and acidity” мавзуси юзасидан “Farmer’s struggle against salt and acid” номли аутентик материал (газетадан мақола) тақдим этилди:

Берилган мақолага асосланиб тўғри жавобларни танланг/Read the newspaper article about Farmer’s struggle against Salt and Acid. Then, choose the correct answers.

1. What changed the soil's primary salinity?

- A. saline deposits in the soil
- B. acids from rainwater
- C. minerals from well water
- D. Toxins from fertilizer

2. How does the farmer improve his soil?

- A. He plants fewer crops
- B. He adds lime to the soil
- C. He irrigates in the summer
- D. He increases the salinity

3. When can you infer the crops will grow properly again?

- A. when farmers stop irrigating
- B. when the pH value of the soil is lowered
- C. when sulphur content in the soil increases
- D. when farmers purify the well water

Белгиланган тушунчаларни ифодаловчи сўзларни ёзинг/ Write a word that is similar in meaning to the underlined part

1. Plants will not grow in soil with too much alkaline metal _____ i _ m
2. Some substances are harmful to plants t _ _ _ c
3. Irrigation leads to an increase in the salt level changed by land use and management _ _ con _ _ _ _ _ s _ l _ _ _ _ _

4. Chemicals can alter soil's measure of acidity or alkalinity: h _ a _ _
5. The soil has high metallic element levels _ ul _ _ _
6. What is the concentration of salt of the soil? s _ _ _ _ _ t _

Белгиланган тушинчаларни ифодаловчи сўзларни ёзинг/Write a word that is similar in meaning to the underlined part.

1. Plants will not grow in soil with too much alkaline metal _____ i _ m
2. Some substances are harmful to plants t _ _ _ c
3. Irrigation leads to an increase in the salt level changed by land use and management _ _ con _ _ _ _ _ s _ l _ _ _ _ _


4. Chemicals can alter soil's measure of acidity or alkalinity: h _ a _ _

3-модул бўйича олинган натижа (3.11-жадвал ва 3.3-расмга қаранг):

3.11-жадвал.

**Communicating in agroindustrial sphere (Аграр соҳасида мулоқат қилиш)
бўйича кластерли ёндашувларга асосланган машғулотлар натижалари
кўрсаткичи (талабаларнинг ўзлаштириш даражаси)**

Тажриба-синов майдонлари	ТГда олинган натижалар Фоизда	НГда олинган натижалар фоизда
ЎзМУ	80	50
ГулДУ	70	50
АҚХИ	70	40



3.3-расм. “Communicating in agroindustrial sphere” модули дастурига кўра талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари

4-модул: Developing agricultural outlook

“Developing agricultural outlook” (Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича дунёқарашни кенгайтириш) аграр йўналиши талабаларининг 2-босқич 2-семестрига бағишлианди. Ушбу модулда бўлажак мутахассисларнинг танлаган соҳаси бўйича оғзаки ва ёзма кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги оғзаки (телефон орқали сухбат, телеконференция, видео конференция) мулоқот қилиш ва ёзма кўникмалар (электрон почта, хатлар, расмий сўровлар, иловалар) ҳосил қилишга йўналтирилди. Шунга кўра ушбу модулда белгиланган мақсад ва вазифаларга кўра кластерли ёндашув асосида яратилган дастур юзасидан олиб борилган

тажриба-синов ишлари юқорида баён этилган модул натижаларининг давоми сифатида қайд этилди (3.12-жадвалга қаранг):

3.12-жадвал.

“Developing agricultural outlook” модули бўйича ишлаб чиқилган мавзулар

Таълим йўналиши фанларида	Инглиз тили машғулотлари бўйича танланган мавзулар		Соат	
	Тажриба гурӯҳи учун	Назорат гурӯҳи дастури бўйича	Ауди-тория	Муста-қил
Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси	Bioengineering	A monument of friendship	10	6
Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Diagnosing crop problems	Newspaper and Radio	8	4
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси	Housing animals and cropping	Theatre, Cinema and Music	8	6
Табиий ва сунъий танлаш	Slaughter and processing	English grammar	6	4
Ташки стресс омиллар	Climate and weather	Motivation and Inspiration	4	4
Селекция ва уруғчилик	Preparing, seeding and planting	Aral Sea	6	4
Ўсимликлар интродуцияси	Sustainable farming	Conference participation	6	8
Ем-хашак ўсимликлари	Feed and nutrients	Hotels	10	4
Ўсимлик маҳсулдорлиги	Food security	Professions	8	4
Ген мухандислиги	GMO	State System of Uzbekistan	10	4
ЖАМИ			78	48

Ушбу модулда талабаларнинг билимини аграр соҳада ривожлантиришда қуйидаги матн турлари таклиф этилади: хатлар, хабарлар, рекламалар (аудио/видео/босма), тавсияномалар, қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича тақдимотлар, видеоконференциялар, маҳсулотнинг тавсифи.

Developing agricultural outlook (Қишлоқ хўжалигида дунёқарашни кенгайтириш) бўйича тажриба гурӯҳлари билан қўшимча равишда қуйидаги эшитиш (listening), гапириш (speaking), ўқиш (reading), ёзиш (writing), қўниумаларини шакллантирувчи топшириқлар устида ишланди (Ушбу модул

учун ишлаб чиқилған дарс ишланмалари намуналари 4-иловада көлтирилған).

Ушбу модул доирасидаги “Bioengineering” мавзуси бүйича “What is bioengineering?” видеосини овозсиз томоша қилинг ва қүйидеги саволларға гурұхлар билан ишлаган ҳолда юқорида көлтирилған итерфаол усуллардан “ақлий ҳужум” методини құллаб саволларға жавоб беринг:

1. Watch the video without its sound and predict the meaning of it. What the video is about?

2. Provide words, word combinations, phrases, terminology that can be come across in the video

3. Watch the video with its sound compare your thoughts with it.

“Bioengineering” мавзуси учун “Animal Bioengineering conference schedule” аутентик материали тайёрланды ва ушбу материал асосида машқлар ишлаб чиқылди:

Animal Bioengineering

National Association of Bioengineers (NAB) Gulistan State University

Friday March 18

4:30 p.m Registration

5:30 p.m Keynote Address

Keynote speaker Professor Abdullaeva will describe her research in genetic engineering

Saturday March 19

8:30 a.m – 12:00 p.m Presentations, Main Hall

Group A: Room 119

Transgenic organisms. M.Sherov talks about current research and newly developed transgenic organisms and their benefits

Group B: Room 106

Biotechnology applications in agriculture. Professor Ismoilov discusses three promising new directions for biotechnology in agriculture.

2:00 p.m – 4:00 p.m Poster session

Exhibition Area

Sunday March 18

8:30 a.m – 12:00 p.m Presentations, Main Hall

Group A: Room 119

Cloning bacteria and other microorganisms: engineering applications.

Professor Azimov and Professor Saidov presents on the latest engineering applications.

Group B: Room 106

Genes, gene expression, and gene enhancement: new techniques for producing favorable outcomes. Professor Suyunov discusses a set of techniques developed by Tashkent State Agrarian University.

2:00 p.m – 3:00 p.m Closing Remarks

Professor Azimov will discuss societal concerns about bioengineering. How might we face greater regulation of our research and even prohibition?!

Activity 1. According to the schedule match the words (1-6) with the definitions (A-F).

1 __ cloning

4 __ prohibition

2 __ gene

5 __ expression

3 __ transgenic

6 __ genetic engineering

A. The appearance of a trait

B. Making a copy of an organism

C. A segment of DNA

D. Banning something

E. Altering genetic material

F. Having artificially introduced genetic material

Activity 2. With a partner, act out the roles below

Use statements such as

What are the challenges of bioengineering ...

Consumers fear that ...

Some governments have ...

Student A: You are a reporter. Interview student b. Talk about:

Challenges

Consumer opinion

Government response

Student B: You are a speaker at a conference, answer student A's questions

Activity 3. Use the conversation from Activity 2 to write notes about the challenges of bioengineering. Include the challenges and consequences


Bioengineering

Challenges: _____

Consequences: _____

Бундан ташқари талабаларда соҳага доир муаммонинг сабаби ва таъсирини тавсифлаб бериш, конференция жадвалини тузиш, бошқалар фикрларини қисқача шарҳлаб бериш кўникмалари ривожлантирилди. Назорат гурӯҳида эса анъанавий усулда талабаларнинг танлаган мутахассисликларидан умуман узоқ ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган мавзуларда машғулотлар олиб борилгани боис юқорида қайд этилган ҳолат такрорланди.

Машқлар ёрдамида тажриба гурӯҳидаги талабалар “Bioengineering” мавзуси юзасидан инглиз тилида фикрлар билдира олиш кўникмасига эга бўлдилар. Ушбу модул натижаларига кўра тажриба гурӯҳларида инглиз тилини ўрганиш кўрсаткичларида ижобий натижалар кузатилди (3.4-расмга қаранг):



3.4-расм. “Developing agricultural outlook” модули бўйича талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари

Бунда талабаларнинг мутахассислик фанлари бўйича ҳам, инглиз тилини ўрганишлари бўйича ҳам юқори кўрсаткичлар кузатилди (3.13-жадвалга қаранг):

3.13-жадвал.

“Developing agricultural outlook” модули бўйича талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

Тажриба-синов майдонлари	ТГда олинган натижалар Фоизда	НГда олинган натижалар фоизда
ЎзМУ	80	60
ГулДУ	85	60
АҚХИ	70	50

5-модул: Integration of Education and Production

Integration of Science and production (Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги) қишлоқ хўжалиги йўналиши З-босқич талабалари учун мўлжалланиб, ушбу босқичда фақат 1 семестр давомида инглиз тили ўрганилади. Ушбу модул марказида бажарилиши зарур бўлган вазифалардан бири тил кўникмаларини ривожлантириш, тендерларда қатнашиш, йиғилишлар ўтказиш, ҳисботларни топшириш, аграр соҳаларидаги салоҳиятни оширишга қаратилган.

Модулнинг мақсади талабаларнинг оммавий нутқини ривожлантириш, бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассиси маҳсулот тайёрланишидан бошлаб ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи инглиз тилида тавсифлаб бера олишига қаратилган. Бу эса ўз навбатида инглиз тилини кластерли ёндашувлар асосида ўқитишга асос бўлди. Яъни маҳсулот тайёрланишидан бошлаб ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи талабалар олий таълим тизимида нафақат ўрганилаётган мутахассислик фанлари орқали балки инглиз тилида ҳам эгаллашди ва профессионал кадрлар етишиб чиқишига замин яратилди.

Шунга кўра ушбу модулда белгиланган мақсад ва вазифаларга кўра кластерли ёндашув асосида яратилган дастур юзасидан олиб борилган

тажриба-синов ишлари юқорида қайд этилган модул натижаларининг давоми сифатида ижобий натижалар берди (3.14-жадвалга қаранг):

3.14-жадвал.

“Integration of Education and Production” модули бўйича ишлаб чиқилган мавзулар

Таълим йўналиши фанларида	Инглиз тили машғулотлари бўйича танланган мавзулар		Соат	
	Тажриба гурӯҳи учун	Назорат гурӯҳи дастури бўйича	Ауди-тория	Муста-қил
Дехқончилик	Apiculture	A monument of friendship	10	6
Ўсимликлар ҳимойси	Storage	Newspaper and Radio	8	4
Ўсимликлар ҳосилдорлиги	The nitrogen cycle	Theatre, Cinema and Music	8	6
Қишлоқ хўжалиги техникаси	Cultivation and planting equipment	English grammer	6	4
Ҳосил сифати	Harvest equipment	Motivation and Inspiration	4	4
Ўсимлик маҳсулотларини қайта ишлаш	Pricing	Aral Sea	6	4
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти	Agribusiness management	Conference participation	6	8
Уруғчилик	Technological advances	Hotels	10	4
Хорижий технологиялар	International trade	Professions	8	4
Ўсимлик маҳсулотлари экспорти	The future market	State System of Uzbekistan	10	4
ЖАМИ			78	48

Ушбу модулда ҳам юқорида келтирилган модуллар сингари маҳсулот тайёрланиши ҳамда ишлаб чиқаришга йўналтирилиши тил қўнималарини ривожлантирувчи машқларда акс этган (Ушбу модул учун ишлаб чиқилган дарс ишланмалари намуналари 5-иловада келтирилган). Integration of Education and Production (Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги) бўйича тажриба гурӯҳлари билан қўшимча равишда қўйидаги топшириклар устида ишланди.

“Agribusiness management” мавзуси бўйича “Хисобчидан фермерга хат” аутентик материали талабаларга тарқатилди. Хатга кўра қайси гаплар

тўғри/нотўғри эканлигини белгиланг/Read the letter from an accountant to a farmer. Then, mark the following statements as true (T) or false (F):

1 ____ The farmer earned \$168,745 last year.

2 ____ The farmer has over \$ 450,000 in debt.

3 ____ The farmer has a negative net worth

Quyidagi so'zlarga berilgan to'g'ri tasniflarni toping:

Match the words (1-5) with the definitions (A-E)

1 ____ interest payments 4 ____ income

2 ____ gross farm revenue 5 ____ loan

3 ____ total production expenses

A. the total of all costs

B. the sum of all money from sales

C. money that a person earns

D. money that is paid to a lender

E. money that is borrowed

“Ҳисобчидан фермерга хат” аутентик материалидан фойдаланиб, “Фермернинг ҳисоб-китоб ҳулосаси” ни ёзинг/Write a farmer's financial summary. Include: income, expenses and debt.

Financial Summary _____


5-модул бўйича олиб борилган тажриба-синов жараёни натижаларига кўра яна юқорида қайд этилган маълумотлар сингари назорат гурухларида инглиз тилини ўрганиш натижалари паст, тажриба гурухларида эса кластерли ёндашувлар асосида шакллантирилган дастур бўйича ўтказилган машғулотларда тажриба гурухида юқори кўрсаткичлар аниқланди ва аксинча назорат гурухларида эса анъанавий тартибда, мавжуд дастурда белгиланган мавзуулар асосида олиб борилган машғулотларида паст натижа кўрсатилганлиги билн изоҳланди (3.15-жадвалга қаранг):

3.15-жадвал.

Integration of Education and Production (Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги) модули асосида кластерли ёндашувларга қўра яратилган дастур бўйича ўтказилган машғулотлар натижалари

Тажриба-синов майдонлари	ТГда олинган натижалар Фоизда	НГда олинган натижалар Фоизда
ЎзМУ	80	50
ГулДУ	70	50
АҚХИ	70	40

Таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган модул талабаларни ижодкорлик ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга асосланган. Айнан ушбу мақсад асосида шакллантирилган ўқув дастурига қўра олиб борилган машғулотлар ижобий натижаларни юзага келишига асос бўлиб хизмат қилди (3.5-расмга қаранг):



3.5-расм. “Integration of Education and Production” модули бўйича талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари

Машғулотлар натижасига қўра кластерли ёндашувларга асосланган ҳолда шакллантирилган ўқув дастурини олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналишларида тадбик этилиши ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

§ 3.3. Тажриба-синов натижаларининг самардорлик кўрсаткичлари

Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларига чет тилларни йўналишларига мос ҳолда кластерли ёндашувга асосланган 5 та модуллар (General English, Introduction to the agrarian sphere, Communicating in agroindustrial sphere, Developing agricultural outlook, Integration of Education and production) тизимида ва шулар асосида ишлаб чиқилган машқлар асосида ўқитиш талабаларнинг келгусидаги касблари билан боғлиқ ҳолда профессионал мутахассис бўлиб етишишидаги ташкил қилинган тадқиқотлар 2017-2019 йиллари таълим жараёнида синаб кўрилди. Тажриба-синов ишларининг самарадорлиги аниқлаш мақсадида респондентлар teng асосда тажриба ва назорат гурухларига бириктирилдилар. Тажриба гурухларида қишлоқ хўжалиги йўналишига мос тарзда ишлаб чиқилган кластерли ёндашувга асосланган методика доирасида амалий фаолият йўлга қўйилган бўлса, назорат гурухларида эса анъанавий тартибда ўқув-тарбия ишлари олиб борилди. Тажриба-синов жараёнида замонавий педагогик технология ва усуллардан фойдаланилди. Ҳар икки гурух талабаларининг билим олиш самарадорлиги мунтазам равишда кузатиб борилди. Тажриба-синов гурух талабаларининг билим олишга бўлган қизиқишлиари ортди. Сабаби, мутахассислик фанларида ўзлаштирган тушунчаларни инглиз тилида осон ва қизиқиши билан ўзлаштирилар.

Талабалардан анкета-сўровнома ўтказилганида, улар бу ҳолатни ўқийдагича изоҳлашди: ўқитувчи улар учун индивидуал ёндашаётганлигини ҳис қилишлари, ҳар бир машқ доирасидаги сўз ва иборалар мутахассисликларига мос тарзда бериб борилиши билан осон ўзлаштишилари ҳамда луғат бойликларини ошиб боришига олиб келиши. 1-модул General English (Умумий инглиз тилини ўқитиш) натижалари ҳам ТГ ва НГ да ҳам деярли teng бўлди. 2-модулдан бошлаб тажриба гурухларида мутахассислигига мос тарзда инглиз тили ўқитилди, назорат гурухларида анъанавий методика асосида кластерли ёндашув хусусиятларини

шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тажриба ишлари олиб борилиши тажриба гурухларида юқори кўрсаткичларга эришиши билан изоҳланди. Тажриба ва назорат гурухларидаги олинган натижаларни таққослашнинг математика статистика усулларидан бири SPSS 14 критерияси орқали изоҳланди (3.16, 3.17, 3.18-жадвалларга қаранг):

3.16-жадвал.

ЎзМУ да ўтказилган тажриба-синов натижаларининг кўрсаткичлари

Назорат гурухидаги талабаларнинг ўзлаштириши (дона)				Тажриба гурухидаги талабаларнинг ўзлаштириши, (дона)				
Аъло	яхши	қониқарли	Қониқарсиз	аъло	яхши	қониқарли	Қониқарсиз	
I – босқич, 1 – модул: General English								
3	6	5	1	4	7	4	-	
I - босқич, 2- модул: Introduction to the agrarian sphere								
3	4	7	1	6	8	1	-	
II – босқич, 3 – модул: Communicating in agroindustrial sphere								
3	5	6	1	6	8	1	-	
II – босқич, 4 – модул: Developing agricultural outlook								
4	4	7	-	7	6	2	-	
III – босқич, 5 – модул: Integration of Education and Production								
3	6	6	-	6	7	2	-	

ЎзМУда Тупроқшунослик факультети бўйича дастлабки модул учун 1 босқичдан 30 нафар талаба иштирок этишди. Шулардан 15 нафари тажриба гурухи ва 15 нафари назорат гурухидаги ўқитилди. Ўтказилган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, 1-модул: “General English (Умумий Инглиз тили)” бўйича тажриба ҳамда назорат гурухларида деярли тенг натижага эришдилар. Бунда НГда “5” (аъло) баҳога эришганлар 20% ни ташкил этди ва ТГда ушбу кўрсаткич 27% ни ташкил этиб, 7 % юқори кўрсаткичга эга бўлдилар.

4 (яхши) баҳога эришганлар НГда 40%, ТГда 47% ни ташкил этиб, 7% юқори натижани кўрсатди.

3 (қониқарли) баҳога эришганлар НГда 33%, ТГда 27% ни ташкил этиб, 6 % га НГ га нисбатан ТГ да “3” баҳолар сони камайди.

НГ да 1 нафар талаба (7 %) 2 (қониқарсиз) баҳога ўзлаштирган бўлса, ТГ да ўзлаштира олмаган талаба кузатилмади.

2-модул: “Introduction to the agrarian sphere (Аграр соҳасига кириш)” бўйича ЎзМУ Тупроқшунослик факултетининг 1 босқич талабаларининг 30 нафари иштирок этишди. Шулардан 15 нафари тажриба гурухларида ва 15 нафари назорат гурухларида тажриба-синов ишлари учун кузатилди. Ишлаб чиқилган баҳолаш меъзони асосида ТГ ва НГ талабалари билими текширилди:

5 (аъло) баҳога эришганлар НГда 20% ва ТГда 40% ташкил этди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, талабаларга мутаҳассислигига мос ҳолда хорижий тилни ўқитилиши юқори натижалар беради ва бу ТГда 20% натижа берганлиги ўз исботини топди.

4 (яхши) баҳога эришганлар НГда 27% ва ТГда 53 % натижа билан 26 % га ўсганлиги билан изоҳланди.

3 (қониқарли) баҳога эришганлар НГда 47% ҳамда ТГда 7%ни ташкил этди. Демак, ТГ да қониқарли баҳолар 40 % га камайган.

2 (қониқарсиз) баҳо НГда 7% ни ташкил этган бўлса, қониқарсиз кўрсаткич ТГда кузатилмади.

3-модул: “Communicating in agroindustrial sphere (Аграр соҳаси бўйича мулоқотга киришиш)” бўйича ЎзМУ Тупроқшунослик факултетининг 2 босқич талабаларининг 30 нафари иштирок этишди. Шулардан 15 нафари тажриба гурухларида ва 15 нафари назорат гурухларида тажриба-синов ишлари учун кузатилди. Тажриба ва назорат гурухи талабаларининг билими ишлаб чиқилган меъзон асосида баҳоланди:

5 (аъло) баҳо олганлар НГида 20%ни ва ТГда 40 % кўрсаткич билан 20%га юқорилаганлигини кўрсатди.

4 (яхши) баҳо олганлар НГида 33%ни ва ТГда 53%ни ташкил этиб, ТГи НГга нисбатан 20%га ўсганлик даражасини кўрсатди.

3 (қониқарли) баҳо олганлар НГида 40% ва ТГида 7%ни ташкил этди. ТГда қониқарли баҳолар 40%га камайди

2 (қониқарсиз) баҳо НГида 7% ни ташкил этди, ТГида қониқарсиз натижа кузатилмади.

4-модул: “Developing agricultural outlook (Қишлоқ хўжалиги бўйича дунёқарашибни кенгайтириш)” бўйича ЎзМУ Тупроқшунослик факултетининг 2 босқич талабаларининг 30 нафари иштирок этишди. Шулардан 15 нафари тажриба гурухларида ва 15 нафари назорат гурухларида тажриба-синов ишлари учун кузатилди. Ишлаб чиқилган баҳолаш асосида талабалар билими баҳоланди:

5 (аъло) баҳо олганлар НГида 26%ни, ТГида 47% ни ташкил этди ва ТГи даги ўсиш даражаси 21%ни ташкил этди.

4 (яхши) баҳо олганлар НГида 27%ни, ТГида 40%ни ташкил этиб, ТГида ўсиш даражаси 13% бўлди.

3 (қониқарли) баҳо олганлар НГида 47%ни ташкил этди ва ТГида эса 13% қониқарли кўрсаткич кузатилди. Демак, ТГ қониқарли баҳолар 34%га камайди.

2 (қониқарсиз) баҳо олганлар ҳар иккала НГ ва ТГларда кузатилмади.

ГулДУда Табиий фанлар факультетининг Анорчилик таълим йўналиши бўйича дастлабки модул учун 1 босқичдан 30 нафар талаба иштирок этишди. Шулардан 15 нафари тажриба гурухи ва 15 нафари назорат гурухларига тенг бўлинди. Ўтказилган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, 1-модул: “General English (Умумий Инглиз тили)” бўйича тажриба ҳамда назорат гурухларида деярли тенг натижага эришдилар. Бунда НГда “5” (аъло) баҳога эришганлар 13% ни ташкил этди ва ТГда ушбу кўрсаткич 20% ни ташкил этиб, 7 % юқори кўрсаткичга эга бўлдилар

4 (яхши) баҳога эришганлар НГда 40%, ТГда 53% ни ташкил этиб, 10% юқори натижани кўрсатди.

3 (қониқарли) баҳога эришганлар НГда 40%, ТГда 27% ни ташкил этди. НГ га нисбатан ТГ да “3” баҳолар сони 13%га камайди.

НГ да 1 нафар талаба (7 %) 2 (қониқарсиз) баҳога ўзлаштирган бўлса, ТГ да ўзлаштира олмаган талаба кузатилмади (3.17-жадвалга қаранг):

3.17-жадвал.

ГулДУ да ўтказилган тажриба-синов натижаларининг кўрсаткичлари

Назорат гурухидаги талабаларнинг ўзлаштириши (дона)				Тажриба гурухидаги талабаларнинг ўзлаштириши, (дона)			
Аъло	яхши	қониқарли	Қониқарсиз	аъло	яхши	қониқарли	Қониқарсиз
I – босқич, 1 – модул: General English							
2	6	6	1	3	8	4	-
I - босқич, 2- модул: Introduction to the agrarian sphere							
3	5	6	1	6	8	1	-
II – босқич, 3 – модул: Communicating in agroindustrial sphere							
3	6	5	1	7	7	1	-
II – босқич, 4 – модул: Developing agricultural outlook							
4	5	6	-	7	8	-	-
III – босқич, 5 – модул: Integration of Education and Production							
4	5	5	1	7	6	2	-

2-модул: “Introduction to the agrarian sphere (Аграр соҳасига кириш)” бўйича ГулДУ Табиий фанлар факултетининг Анорчилик таълим йўналиши бўйича 1 босқич талабаларининг 30 нафари иштирок этишди. Шулардан 15 нафари тажриба гуруҳларида ва 15 нафари назорат гуруҳларида тажриба-синов ишлари учун кузатилди. Ишлаб чиқилган баҳолаш меъзони асосида ТГ ва НГ талабалари билими текширилди:

